

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ  
ЖАҲОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ НАЗАРИЯСИ, АМАЛИЁТИ  
ВА ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

**Қурбонов Эркин Илҳомович**  
“Замонавий ахборот урушлари”

мавзусида 5320400 – халқаро журналистика йўналиши бўйича бакалавр  
даражасини олиш учун

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар:**

**проф. Бойбўта Дўстқораев**

**Расмий тақризчи:**

**Беҳбуд Ботиров**

**“Миллий тикланиш” газетаси**

**шарҳловчиси**

**Ўзбекистон Давлат Жаҳон Тиллари Университетининг Халқаро журналистика факультети талабаси Қурбонов Эркин Илҳомовичнинг “Замонавий ахборот урушлари” мавзусидаги 5320400 – халқаро журналистика йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун тайёрлаган битирув малакавий ишига  
ТАҚРИЗ**

Инсонлар онгига психологик таъсир кўрсатишнинг энг самарали усулларида бири оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Замонавий дунёда ким ахборотга эгалик қилса, ўша дунёга ҳукмрон бўлади, деган гап ўзини оқламоқда. Сабаби, бугунги жамиятни ахборотсиз тасаввур қила олмаймиз. Ҳар куни бир одамнинг ўзи миллионлаб ахборот қабул қилиши мумкин. Лекин, бу ахборотларнинг ичида тўғри ёки нотўғриси ажратиб олиш мураккаб масала. Бунинг кўринмас таъсирини билганлар эса биз қабул қиладиган ахборотдан турли мақсадларда фойдаланадилар. Сўнгги йилларга ахборот орқали инсон онгига хуруж қилиш, мамлакатларга эса очикдан очик ахборот урушини олиб бориш кучайиб бормоқда. Унга курашишининг самарали йўли бу ҳар бир кишида ахборотга нисбатан иммунитетни оширишдир.

Шу нуқтаи назардан битирувчи Эркин Қурбоновнинг “Замонавий ахборот урушлари” мавзусидаги битирув-малакавий иши ҳар жиҳатдан долзарб мавзуга бағишланганлиги билан аҳамиятлидир. Унда ахборот хуружлари қай ҳолатларда намоён бўлиши, ёлғон ахборот орқали сиёсий жанжалларнинг вужудга келишига таъсир этувчи ҳолатлар очиб берилган. Битирув-малакавий иши режаси тўғри тузулган. Бу битирувчи талабанинг ўз ишига масъулият билан ёндошганлигини белгисидир. Биринчи бобда, ахборот уруши асослари яъни ахборот уруши ҳақида дастлабки маълумотлар ва унинг омма онгига кўрсатган психологик таъсири ҳақида батафсил маълумотлар келтириб ўтилган.

Битирув-малакавий ишнинг иккинчи бобида эса, ишнинг асосий объектлари сифатида кўрилатган Грузия ва Россиянинг Жанубий Осетия юзасидан можароси ва Қирғизистоннинг жанубидаги шаҳар Ўшдаги миллатлараро тўқнашувда кузатилган ахборот урушлари ва унинг жаҳон ОАВ да ёритилиши таҳлиллар асосида ёндашилган. Ишнинг илмий янгилиги ахборот урушларининг бир-бирга қанчалик яқинлиги, ўхшашлиги ва аксинча бир-биридан фарқ қилишини ўрганиб чиқилганлигидир.

Таdqикотнинг ютуқлари билан бир қаторда камчиликлари ҳам бор. Баъзи ўринларда имло хатолар кўзга ташланади, шунингдек услубий жиҳатдан нотўғри тузилган жумлалар ҳам учрайди. Шу билан бирга, боблардаги фасллар ўртасида боғлиқлик бир-бирига тўлиқ мос келмаган. Лекин, бу хатоликлар битирув-малакавий ишининг мазмун-моҳиятига салбий таъсир кўрсатмайди. Битирув малакавий иши олдига қўйилган илмий мақсадга тўлиқ эришилган ва ушбу ишни ижобий баҳога тавсия этаман.

Бехбуд Ботиров  
“Миллий тикланиш” газетаси шарҳловчиси.

**Мундарижа**

**Кириш:**

## **1 Боб. Ахборот уруши асослари:**

1.1 “Ахборот уруши” тушунчасининг асосий хусусиятлари

1.2 ОАВ орқали ахборот урушининг жамоатчилик онгига кўрсатган психологик таъсири

## **2 Боб. Замоनावий дунёдаги ахборот уруши**

2.1 Жанубий Осетия масаласи бўйича Россия ва Грузия можаролари (“The New York Times” ва “Times” газеталарида чоп этилган материаллар мисолида)

2.2 Ўшдаги миллатлараро тўқнашув ва ОАВ томонидан воқеаларнинг ёритилиши (“Экономист”, “Российская Газета”, “Ле Монде” газеталари ва “BBC” манбалари асосида)

## **Хулоса**

## **Адабиётлар рўйхати**

Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** XX асрнинг охири янги курулнинг пайдо бўлиши билан изоҳланади. Гап ахборот курули ҳақида кетмоқда. Ахборот жанги

албатта, XX асрдан олдин ҳам олиб борилган. Бироқ узок ўтмишда одамлар мулоқот давомида субатдошга сўзлари, гапириш оҳанглари, мимикалари, имо-ишоралари орқали таъсир кўрсатиб келишган. Бугунги кунга келиб, мингйилликлар давомида йиғилиб борилган тажриба, кашф этилган мулоқот технологиялари ёрдамида инсоннинг онгига таъсир қилиш ва бошқариш йўллари ўзгариб, самаралироқ ва таъсирлироқ бўлиб қолган. **Шунинг учун, ахборот уруши – бу моддий соҳада маълум бир ютуқни қўлга киритиш мақсадида одамларнинг бир-бирига аниқ ва яширин қаратилган ахборот таъсири харакатидан бошқа ҳеч нарса эмас.** Ахборот урушига келтирилган таърифдан келиб чиққан ҳолда, **ахборот қуролининг қўлланиши, авваламбор, жамоа фикри, рақибнинг мафкураси билан иш олиб боришни билдиради.** Шундай экан, ҳар доим ўзини-ўзи йўқ қилиш алгоритмларини ишга тушуриш ёки кийинчалик ишга тушуриш учун тайёрлаб қўйиш мимкин.

**"Бугунги кунда, - деган эди, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов, - инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар Ер қуррасини бир неча бор яксон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф - инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади<sup>1</sup>".**

“Ахборот ҳумкронлиги тушунчаси ва технологиясининг одамларга таъсирини тушунтириш керак. Бўлмаса, уларнинг тартибсизлиги нафақат халқларнинг йўқ қилишга, балки замонавий жамиятнинг ўлимига олиб келади. Ахборот тажовузини тўхтатиш учун воқеаларнинг келиб чиқишини тушуниш керак. Бугунги кунда, Ғарбнинг глобал маъданий-ахборот ва мафкуравий

---

1. Каримов И.А. “Юксак маънавит – енгилмас куч” Т: "Маънавият",. 2008 – 112 б.

ахборотнинг тарқалиши жаҳон телекоммуникацион тузулмалари (мисол учун, Интернет) ва ОАВ орқали амалга оширилмоқда”<sup>2</sup>.

**Ривожланаётган давлатлар, айниқса дунёни эгаллашга даъвогар давлатлар кундан-кунга ахборот уруши муаммосига кўпроқ эътибор қаратмоқда, чунки унинг объекти - одамларнинг онги, мақсади эса – омма онгини бошқаришдир.** Бу мақсад табиийки, ахборотнинг психологик таъсири орқали амалга оширилади. Ахборот қуроли одамзод учун бевосита хавф солади, ахир у кишининг онгини ўзгартириб, борлиқни нотўғри қабул қилишга ва кишининг ўлими билан тугайдиган ҳаракатларгача ундаши мумкин.

Ахборот уруши ҳақида батафсил гапириб ўтиш бугунги кун учун жуда долзарб ҳисобланади. Биринчидан, маълум бир ахборот урушини тушуниш, одамларни кийинги ҳафдан огоҳ бўлиш ҳимоя воситасини бажаради. Ушбу диплом ишида тадқиқ этилган ахборот уруши мавзуси одамнинг ҳам ички, ҳам ташқи дунёсини мафкуравий таъсирга тушиб қолишнинг оқибатлари ва йўлларини аниқлашга қаратилганлиги билан долзарбдир.

“Кўпинча мамлакатлар ўз фуқоролари, маданияти, анъаналари ва маънавий бойликларини бегона давлат ахборот таъсиридан сақлаш учун махсус чоралар кўрмоқдалар. Миллий ахборот манбааларини ҳимоя қилиш ва ахборот махфийлигини жаҳон очик тизимларида ахборот алмашинувининг сақлаб қолиш зарурияти туғилган. Чунки, бундай кетишда давлатлар сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршилик, халқаро муносабатларда инқирозга юз тутиши мумкин. Шунинг учун, ахборот хавфсизлиги, ахборот жанги ҳамда ахборот қуроли ҳозирги кунда барчанинг эътибори марказида”<sup>3</sup>.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари:** Ахборотни одамлар устидан ўрнатган ҳукмронлиги, унинг тартибсизлиги, алоҳида олинган халқ, миллат, элатларнинг йўқ бўлиб кетишига, охир-оқибатда замонавий жамиятнинг маънавий таназзулга олиб келишини мумкин. Аҳолини (жамиятимизни) кибертерроризм ва Интернетдаги террористик ҳаракатлардан ҳимоя қилиш билан бирга, бир қатор антитеррористик ҳаракатлар мажмуини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда.

<sup>2</sup> Расторгуев С. П. Информационная война/С. П. Расторгуев. - М: Радио и связь, 1999. - 416 с. С. 55

<sup>3</sup> Расторгуев С. П. Информационная война/С. П. Расторгуев. - М: Радио и связь, 1999. - 416 с. С. 55

Олдимизга қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш керак:

- ахборот уруши умумназарий муаммосига бағишланган адабиётларни ўрганиб чиқиш ва шу назария асосида “ахборот уруши”, “ахборот психология уруши”, “пропагандага рўпара келиш” назарияларини аниқлаш;

- ахборот уруши феноменинг (кўзга кўринарли, эътиборни тортадиган) сиёсий ҳаётга кўрсатадиган ахборий таъсирини ўрганиб чиқиш (Грузия билан конфликт, Ўшдаги воқеалар);

- Цхинвали ва Ўшда содир бўлган воқеалар юзасидан матбуот материалларни тадқиқ қилиш;

- Ўш воқеаларни юзасидан билдирилган фикрлар ва уларнинг ОАВ да ёритилишини ўрганиб чиқиш;

**Ишнинг объекти** сифатида ахборот уруши мавзусини ўзида акс эттирган жаҳоннинг “The New York Times”, “Times”, “Le Monde”, “Экономист”, “Российская Газета” сингари етакчи газеталари ва “bbs.co.uk” сайти юқорида танлаб олинган Грузия ҳамда Ўш воқиалари ҳақида чоп этилган материаллари танланган.

**Ишнинг ўрганилиши** бугунги кунда миллий ва чет эл илмий адабиётларида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий ва бошқа мақсадларга эришиш учун ахборот, ахборот воситалари ва технологияларининг амалий ҳамда назарий характерига эга бўлган томонлари кўрсатиб берилган. Ишни ёзишда айниқса,

И.Папариннинг “Ахборот жанги ва геосиёсат” назарияси муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Аммо, биз ўрганган ишда мазкур масала аниқ сиёсий воқеаларга таянганлиги билан юқоридаги ишлардан ажралиб туради.

**Ишнинг методологик ва назарий асоси:** Каримов И.А ОАВ га тааллуқли “Юксак маънавият енгилмас куч” (Маънавият, 2008), “Хавфсизлик ва тичлик учун курашмоқ керак” (Т: Ўзбекистон, 1997), “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида:

хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт” (Т: Ўзбекистон, 1997) асарларида ахборот уруши ва унга қарши курашиш юзасидан билдирилган фикрлари ишимизнинг методологик асосини ташкил қилади. Шунингдек, Расторгуев С.П , Криско В.Г нинг илмий ишларидаги журналистика тарихи ва соцологияси, XX аср ОАВ борасида тадқиқод олиб борган Я.Засурский, С.Беглов, Э.Прохоров, Э.Корнилов ларнинг изланишлари мазкур ишга асос қилиб олинган.

Изланишнинг Гипотезаси шундаки, сиёсий ахборот жанглари халқаро миқёсида олиб борилиши жамиятга фожиявий таъсир қилиши ва халқлар ўртасида қарама-қаршилиқни кучайишига олиб келишини кўрсатиб беради.

**Ишнинг тузулиши** кириш, тўртта фаслни ўз ичига олган 2 та асосий боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

## **Биринчи боб. Ахборот уруши асослари:**

### **“Ахборот уруши” тушунчасининг асосий хусусиятлари**



Матбуотда нисбатан янги «ахборот қуроли» ва «ахборотлар жанги» атамалари тез-тез учрайди, улар мазмунан ҳарбий санъатда инқилобни англатади. Чунки бу атамалар ортида қарама-қаршилиқнинг принципиал янги шакли яшириниб ётади, уларда «ғалаба», «душманни йўқ қилиш» мақсади, ядро қуроли ёки уруш олиб бориш анъанавий усуллари ёрдамида эмас, балки радиоэлектрон воситалар ахборот қуролидан оммавий фойдаланиш йўли билан эришилади. Ривожланган мамлакатларнинг кўпчилик аналитиклари қуролнинг бу турини «замонавий дунёда эгалик қилишнинг ҳал қилувчи омили» деб ҳисоблайдилар. Шундай қилиб, «XXI асрнинг троян оти» деб аташ одат бўлиб қолган «ахборот жанги» ва «ахборот қуроли» ўзи нима?

Ахборот муҳитининг пайдо бўлиши, ер қуррасининг ҳар қарич жойи бўш бўлмаслиги сабабли бу муҳитни нафақат тақсимлаб олишни, балки унда содир бўлаётган жараёнларни назорат қилиш ва бошқаришни истаганлар пайдо бўлишига олиб келади. Бунинг учун ахборот урушлар деб аталувчи воситалардан фойдаланилади. **Ахборот уруши душманнинг маълумотларига ва ахборот тизимларига таъсир кўрсатиш ва бир вақтнинг ўзида ўз маълумотларини, ахборот тизимларини мустаҳкамлаш йўли билан миллий ҳарбий стратегиясини таъминлашда ахборот устунликка эришишга қаратилган ҳаракатлардан ташкил топади.** Россия стратегик тадқиқотлар институти тадқиқотчилари ишларида ахборот қуроли ҳарбий ва фуқаролар кибернетик тизимларига таъсир кўрсатиш учун ахборотлар ва ахборот технологиялардан фойдаланишнинг ўзи деганини кўзда тутувчи тушунчани ахборот қуроли сифатида олганлар.

Бугунги кунда “ахборот уруши”, унинг кишилиқ жамиятига ўтказётган психологик босими ҳақида кўп гапирилмоқда. Лекин ҳеч ким бу нималиги ҳақида

аниқ. Маълумки, антик даврдан бошлаб мафкура ва психологик тушунмовчилик кураши ҳақида ҳар доим ёзиб келишган. Фикрлар жанги ҳарбий тушунмовчиликларни кузатиб юрган, бундай ҳолатлар тарихда кўплаб содир

бўлган. Ахборот уруши деганда, назариячи С.Падовер кўп мингйилликлар давомида психологик жанг деб, “душманларда курашиш иштиёқини сўндириш учун барча коммуникация турларидан фаркли ўлароқ, ўзгача таъсирни тушунади”<sup>4</sup>. Ҳозир, гап ОАВ нинг роли, биринчи ўринда ТВ ҳақида кетмоқда.

XXI асрга келиб, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга бўлиб бораётгани, табиийки, маълум бир мақсадларни амалга оширишда катта-катта корпорациялар, турли сиёсий кучлар ва марказлардан ташқари замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари билан қуролланган оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнаётгани ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Бундан ҳам хатарлиси — айрим ривожланган давлатлар ахборот урушларининг математик моделларини такомиллаштиришга зўр бера бошлаганларидир, АҚШ нинг разведка бўйича ҳисоботида алоҳида таъкидланганидек, XXI асрга келиб, дунё урушларида айнан ахборот урушлари ҳукмронлик килмоқда. Маълумки, «ахборот уруши» ибораси биринчи бўлиб 1976 йили Томас Роннинг Боеинг компанияси учун мўлжалланган «Қуроллар системаси ва ахборот уруши» номли ҳисоботида тилга олинган бўлса-да, айни қуролдан 1991 йил АҚШ нинг Қувайтга бостириб кирган Ироққа қарши ҳарбий операцияларидан кейин кенг қўлланила бошланди. Ҳарбий ҳаракатлар билан бир қаторда ахборот уруши АҚШ армиясининг ташвиқот қуролига айлангани боис собиқ Югославия, Афғонистон, Ироққа қарши амалиётлар қутилганидан ҳам яхши натижалар берди. Бу эса жанговар операциялар даврида ахборот таъминотининг роли кескин ошганини ҳам кўрсатди. Аммо кейинчалик Болқондаги уруш ортида Европа Иттифоқининг иқтисодиётини издан чиқариш интилиши, Ироққа қарши кампания замирида эса энергетик захиралар устидан назорат ўрнатиш хоҳиши ётганлиги таъкидлана бошланди. АҚШда биринчи бўлиб бу тизимни танқидий нуқтаи назардан ўрганиш учун махсус президент комиссияси тузилганлигини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Кейин эса ана шу комиссия хулосаси асосида президент директиваси ишлаб чиқилиб, у 1998 йили ҳукуматнинг ахборот хавфсизлигини

---

<sup>4</sup> Padover S.K. Psychological warfare and foreign policy//The theory and practice of international relations. Englewood Cliffs, 1960. - P. 238. <http://lib.aldebaran.ru>

таъминлаш сиёсатининг асосига ҳам айланди. Бу борада карвонбошилиқ қилаётган АҚШнинг миллий муҳофаа университетида ахборот уруши ва стратегияси мактабининг фаолият кўрсатаётгани, Калифорниянинг денгиз мактабидаги информацион уруш гуруҳига эса ахборот операциялари тамойиллари, психологик операция, ахборот хуружи, режалаштириш ва баҳолаш, ахборот урушини баҳолаш сингари мавзулар юзасидан маърузалар ўқиш йўлга қўйилгани, мамлакатдаги 1300 га яқин электрон ва босма оммавий ахборот воситалари у ёқда турсин, 5 та янгиликлар хизматини бирлаштирган телевидение, радио, матбуот ва интернет тизимларидан иборат агентликнинг 200 га яқин мамлакатда фаолият кўрсатаётгани, улар учун ҳукумат бюджетидан 350-500 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ ажратилаётгани ҳам мисол бўлиши мумкин. Россия ҳам кейинги пайтларда, кечикиб бўлса-да, мазкур йўналишда изчил ҳаракатларга қўл урди. Ҳатто мамлакат Муҳофаа вазирлигининг ахборот-тарғибот маркази бошқа вазифалар билан бир қаторда душманнинг ахборот ресурсларига ҳакерлик ҳужумларини амалга ошириш билан шуғуллана бошлади. Айрим манбаларга кўра, рақибни кўрқитиш, унинг ахборот алоқаларини йўқ қилиш, ўзиникини сақлаб қолиш, информация ва ёлғон ахборот тарқатишни ташкил этиш, можарогача ва қуролли зиддият даврида бирдек жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш ана шу марказнинг мақсади сифатида белгилаб олинди.

Таъкидлаш жоизки, ахборот уруши деганда бир мамлакат ёки давлатлар бирлашмаларининг иккинчи бир мамлакатга қарши оммавий ахборот воситалари (босма ва электрон матбуот, интернет) орқали амалга оширадиган хуружлари тушунилади. Аксарият ҳолларда ҳатто ғоявий, сиёсий ва иқтисодий мақсадларни рўёбга чиқаришда сохта ахборотлардан фойдаланиладики, бу оддий фуқароларнинг ахборотнинг рост ёки ёлғонлигини ажратолмай қолишига ҳам олиб боради. Мақсад эса нишонга олинган мамлакат ва унинг раҳбарлари обрўйига путур етказиш, ўша мамлакат қуролли кучлари ва тинч аҳолисини ҳокимиятга қарши қўйиш, келажакда қўлланиш мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатларни оқлаш ва далиллаш, рақиб ёки душманнинг геосиёсий нафсониятларига монелик қилишдан иборатдир.

Энг ёмони — бундай ахборот оқимлари омма тафаккурига жиддий таъсир кўрсатмай қолмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки ахборот одамлар онгини заҳарлай бошласа, бу хунук оқибатларга олиб келиши муқаррар. Узоққа бормайлик: яқинда Грузиянинг «Имеди» телеканали намойиш этган кўрсатув Тбилиси аҳолисини саросимага солибгина қолмай, икки нафар фуқаронинг юрак хуружи орқали ўлим топиши ва халқаро тўполонлар билан яқунланганини бир эсга олайлик. Россия танклари Тбилисига яқинлашаётгани кўрсатилган ва Грузия президенти Михаил Саакашвили ўлдирилгани ҳақидаги ана шу хабар аслида Москва билан музокараларга киришган грузин мухолифатини ёмонотлик қилиш ва Россияга қарши кампаниянинг бир бўлаги эканини шарҳловчилар алоҳида таъкидламоқдалар. Негаки, 13 март куни эфирга узатилган кўрсатувда мухолифат вакиллари — Нино Буржанадзе ва собиқ бош вазир Зураб Ногаидели Россия фитнасига қўшилгани ҳам хабар килинади.

Тўғри, Саакашвилининг яқин дўстига карашли «Имеди» телеканали репортажни эфирга узатишдан аввал унинг эҳтимолий воқеаларга оид модель экани ҳақида қисқача маълумот берди. Бироқ репортажнинг ўзи гўё шунчалар ҳақиқий ҳолатдагидек эдики, унинг қалбаки экани ҳақида томошабинлар огохлантирилмадилар. Бу ҳам бир мамлакат ичидаги ахборот урушига алоқадор мисолдир. Мавзуни давом эттирар эканмиз, халқаро майдонда икки кудратли давлат — АҚШ ва Хитой муносабатларининг совуқлашуви ҳам ахборот маконига кўчганини таъкидлаш жоиз. АҚШ президенти томонидан Тибетнинг қувғиндаги рухонийси Далай Ламанинг қабул килиниши, Оқ уйнинг Хитой субъекти ҳисобланмиш исёнкор Тайвань ўлкасига қурол-яроғ сотиш тўғрисидаги қарори, Барак Обаманинг юань пул бирлигини мустаҳкамлаш борасида босим кўрсатаётгани, Давлат департаментининг Пекинни муттасил инсон ҳуқуқларини бузишда айблаши, шубҳасиз, икки давлат муносабатларини таранглаштиришга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда Пекинда жойлашган Ғарб мухбирлари Хитой дессидентлари ёхуд Тибетдаги вазиятга оид материаллар Гоогле қидирув тизимидан топилаётганини

айтмоқдалар. Бироқ қидирув сайтида осмоноти мамлакатнинг суверенитети ва худудий яхлитлигига қарши қаратилган даъвату чақириқларнинг тўлиб-тошгани расмий Пекинни хавотирга солмай қўймайди, албатта. Табиийки, ўзини ҳурмат қилган ва ўз фуқаролари хавфсизлигини ўйлаган ҳар қандай мамлакат иғворгарлик ва фитнага чақирувчи ахборотни оммалаштирмасликка интилади. Ваҳоланки, Соогле 2006 йили Хитой бозорига кириб келганидаёқ, қидирув хизматини йўлга қўйишда сиёсийлашмасликка сўз берганди. 3 йилдан кейин эса бу интернет компания Хитой бозорида 11 миллиард АҚШ доллари миқдорида фойда кўрганига қарамай, иғвогарона йўл тутаётгани ҳам йирик корпорациялар манфаати юзага чиқаётганини кўрсатади. 1,3 миллиард аҳолиси бўлган мамлакатда 2009 йилнинг биринчи ярмида 338 миллион кишининг интернетдан мунтазам фойдаланаётганини инобатга олсак, кўпуровчилик руҳидаги ҳар қандай ахборот ёки маълумот жамиятда охири йўқ низо ва урушларни келгириб чиқармаслигига ҳеч ким кафолат беролмаслигини англаб етамиз.

“Бир вақтлар Ироққа қарши ҳарбий кампания бошланиши олдидан жаҳон оммавий ахборот воситаларида Ироқ хусусида фақат салбий образ шакллантирилган бўлса, бугунга келиб Эрон оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқаришга уринаётган давлат сифатида ахборот ҳужумига дучор қилинмоқда. Ҳатто юз берган кичик бир тўқнашув ёки бир гуруҳ оломон намоёишининг ҳам бўрттириб кўрсатилаётгани жаҳон жамоатчилиги онгида Эронга нисбатан салбий фикрнинг шаклланишига олиб келаётир. Натижада, Эрон хорижий журналистларга ноқонуний норозилик намоёишларини кузатиш, Техрон кўчаларидан хабар тарқатишни тақиқлашга, айрим интернет сайтларига тўсик қўйишга қарор қилди. Бугун юксак минбарларда Ироқ демократиясининг тантана қилаётгани таъкидланса-да, мамлакат журналистлари турли учрашув ва анжуманларда хорижий босқиндан кейин Ироқни беқарорлик, мазҳаблараро тўқнашувлар, террор, очарчилик, йўқчилик балоси эгаллаб олганини, одамларнинг эртанги кунга ишончи сўниб бораётганини таъкидламоқдалар”<sup>5</sup>.

<sup>5</sup> Гриняев С. Н. Информационная война: история, день сегодняшний и перспектив//<http://www.infwar.ru>

Шу ўринда Роғун ГЭС қурилиши ва Тожикистонга тегишли юк вагонларининг «ўзбеклар томонидан ушлаб турилгани» ҳақидаги матбуот ва интернет хабарлари ҳам ана шундай ахборот хуружлари сирасига киришини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ваҳоланки, Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон темир йўлларида қатновчи юк вагонлари Термиздаги ягона темир йўл кўприги орқали ўтаётгани, шу сабаб тўпланиб қолган юклар орасида бошқа давлатлар юклари мавжудлиги, бу техник ва логистик сабабларга кўра рўй берганини билиш учун юқори малакали мутахассис бўлиш шарт эмас, албатта. Гап ахборот урушлари ҳақида кетар экан, РФ президенти Дмитрий Медведевнинг ўз маъмурияти ва ҳукуматга яқин хорижий давлатлар телекомпаниялари билан уларнинг кўрсатувларини Россияда намоиш этиш борасида музокаралар олиб бориш топшириғини бериши ҳам Кремлнинг собиқ совет маконидаги таъсир доирасини кучайтиришга уриниши сифатида баҳоланаётганини унутмаслик керак. Сиёсий технологиялар марказининг вице-президенти Сергей Михеевнинг фикрича, бундай уринишдан расмий Москва муайян манфаат топмоқчи. — “Энг аввало, Москва бу билан ўз телеканалларининг собиқ иттифок республикаларида намоиш этилишига ҳамда улар аҳолисига ўз нуктаи назарларини етказишга эришмоқчи. Шуниси аниқки, мазкур мамлакатларда Россия телевидениесига қизиқиш катта. Албатта, бундан биз ютамыз<sup>6</sup>”, дейди сиёсатшунос.

Тан олиш керак: бугун ҳақиқатан ҳам МДХнинг ахборот маконида асосан Россия ОАВ устунлик қилмоқда. Шунга яраша мазкур мамлакатлардаги вазият ҳақида ўша давлатнинг ташқи сиёсий йўналишига қараб ўз жамоатчилиги онгида ижобий ёки салбий образни шакллантиришга муваффақ бўлаяпти. Масалан, грузиялик журналист Нино Ташуанинг айтишича, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият Россия журналистлари тасвирлаётган даражада аянчли эмас. Тўғри, муаммолар етарли, аммо мамлакат инқилобий ҳолатга етиб бормаган. Кейинги

---

<sup>6</sup> <http://www.rg.ru/tema/mir/sodrugestvo/uzbekistan/>

пайтларда Беларусь ва Кирғизистон ҳам Россия оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган ахборот ҳужумларидан ташвишда эканини яширмапти.

Ана шулардан хулоса чиқарган Қозоғистон бош вазири Карим Масимов шу йил бошида мамлакат журналистларини маҳаллий медиа бозорини Россия ва хориж ахборот воситаларига бой бериб қўйганликда айблаганди. Чунки социологларнинг айтишича, ҳозирги кунда Қозоғистоннинг 55 фоиз аҳолиси маҳаллий эмас, балки Россия информацион муҳитида яшамокда. Бош вазирнинг чиқишида маҳаллий журналистларга мурожаат қилиб, мамлакат ОАВни россиялик рақибларидан ўзиб кетишга чақирди.

— Чегаралар ҳамкорлиги ассоциацияси раиси Марат Шикунтов кейинги 10 йил давомида Россия ва халқаро медиа компанияларининг Қозоғистон медиа бозоридаги асосий ўйинчилар бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, ҳозир Қозоғистон медиа бозоридаги энг етакчи матбуот ўнталигидан фақат Россия ва халқаро медиа компаниялари жой олган. Бунга эса Қозоғистон медиа компанияларидаги бошқарувнинг заифлиги сабабдир, — деди Шикунтов. — Медиа бозоримизни Россия ёхуд халқаро босма маҳсулотларига тўлдириб ташламоқда. Журналистиканинг асосий вазифаси эътиборни жалб қилиш эмас, балки объектив маълумот беришдир. Шундай бир пайтда аксарият журналистларимиз Россия ва хориж матбуоти хабарларини кўчириб босиш билан шуғулланмоқдалар<sup>7</sup>.

Хуллас, бугун мустақил тараққиёт йўлидан боришга қарор қилган ҳар бир мамлакат турли сиёсий кучларнинг стратегик режаларини амалга ошириш учун халқаро майдонда илгари сураётган «Эркинлик ва демократия» ниқоби остида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган сиёсатнинг асл моҳиятини ўз вақтида англаши ва бунга қарши муносиб чоралар кўриши муҳим аҳамият касб этади. «Шундай ҳам қудратли давлатларнинг табиий бойликларга эга бўлган давлатларга нисбатан олиб бораётган ғаразли сиёсати улкан минтақаларда тинч ҳаётнинг издан чиқишига, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатнинг манфаатларига хизмат

<sup>7</sup> <http://origin.ozodlik.org/content/article/1885463.html>

киладиган кучларнинг келишига сабаб бўлаётганини жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳам кўрсатиб турибди”<sup>8</sup> .

Ахборот мўмайгина даромад манбаи бўлгач, у билан жиддий шуғулланишга, ташкилий жиҳатдан уни етказиб берувчи воситаларни такомиллаштиришга зарурат туғилди. Мафкуравий томондан эса, уни тўплаш ва тарқатишда эҳтиёткорликка эътибор қаратилди, давлатларнинг сир сақланадиган маълумотлари билан шуғулланувчи алоҳида ахборот хавфсизлиги органлари тузилди.

Бир жиҳатни ҳеч қачон ёддан чиқармаслик керакки, ахборий жамиятда яшаётган ҳар бир шахс арзимас вақт ичида қабул қилувчи ахборотни онгли равишда саралашга, қиёслашга, оқни оққа, қорани қорага ажратишга ўрганиши шарт. Бу наинки шахсий ахборот хавфсизлиги учун, балки жамиятнинг маълум "хуруж"лардан холи бўлишида асқотади.

Собиқ халқаро иқтисодиёт ассоциациаси президенти ва соҳа мутахассиси Ф.Махлуп 1960-йиллар бошида ахборотга таъриф бераётиб, уни тафаккурнинг дастлабки маҳсулоти, яъни хом ашё саноатининг (ҳали тайёр бўлмаган!) бир тури деганди. Рус олими В.Глушков эса уни жамиятни тақсимлаш ва бошқаришда "қоғозсиз технология концепцияси", деб кўрсатган. Айнан японияликларнинг ахборотнинг хом ашё сифатида қанчалик қадрли эканини фаол тарғиб қилиши оқибатида дунё бозорида рақобат кучайиб кетгани бор гап. Япон санок системаси ва ҳисоблаш машиналари ахборий жамият учун сув ва ҳаводек зарур бўлган техноқатлам вазифасини бажарган бўлса, у орқали "самурай"лар жаҳон бозорида етакчиликни қўлга олди. 1980 йилга келиб, ахборот сотиш ва тегишли хизматлар кўрсатиш бирданига юқорилаб кетди. Масалан, АҚШда ўша вақтдаёқ қишлоқ хўжалиги соҳасида 3 фоиз, хом ашё ишлаб чиқаришда 20 фоиз, маиший хизмат кўрсатиш тармоғида 30 фоиз ва ахборот билан шуғулланишда энг кўп - 47 фоиз аҳоли банд эди.

<sup>8</sup> Панарин И. Н. Информационная война и геополитика/И. Н. Панарин. – М, 1999. С. 48.



Ахборий сектор - ҳаракатдаги, тез ўсувчи индустриядир. У ўз навбатида, минглаб одамларни иш билан таъминламоқда. АҚШ кабелли телесаноатида бугунги кунда 100 минг нафардан зиёд ишчи фаолият юритаяпти. Шу каби жиҳатларни инобатга олиб, БМТ Бош Ассамблеяси 2006 йил 27 мартдаги резолюциясида 17 майни - халқаро "ахборий жамият куни" сифатида нишонлаш таклифи билан чиқди.

## **1.2 ОАВ орқали ахборот урушининг жамоатчилик онгига кўрсатган психологик таъсири**

**XX асрнинг ўрталаридан бошлаб айрим ривожланган давлатлар, хусусан, АҚШ бошқа мамлакатларга таъсир кўрсатишда ноҳукумат, нотижорат ва халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланган. Бу воситалар орқали аҳоли ва айрим шахсларнинг онгига таъсир қилинган.**

Махсус марказлар томонидан ишлаб чиқилган ахборот-психологик таҳдидлар инсон табиатининг нозик хусусиятларини ва жамият тараққиётининг ўзига хос жиҳатларини ўта устамонлик билан қамраб олган.

**“Психологик уруш”, “ахборот уруши”, “психологик операциялар”, “ахборот-психологик кураш олиб бориш”, “психологик химоя”** сингари атамалар ўзида ахборот-психологик таъсир кўрсатишнинг мазмун-моҳиятини акс эттиради.

АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси томонидан XX асрнинг 50-60-йилларида «одамларни қайта дастурлаш», «онгни ювиш» борасида кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилган. Ижтимоий онгга таъсир этувчи самарали усулларни ўйлаб топиш ва улар орқали одамларни бошқариш мақсадида бу соҳага катта маблағ сарфланган. Шундай тадқиқодлар устида ишлаган олимлардан бири доктор Ивен Камерон 1946 йил чоп этилган **“Ижтимоий психиатриянинг чегаралари”** асарида ижтимоий психиатрия фуқаролар устидан назорат ўрнатишга хизмат қиладиган, уларда ижтимоий фикр, эътиқод ва ҳаёт тарзини шакллантирувчи усулларни ишлаб чиқишга ёрдамлашиши зарурлигини таъкидлаган.

Психология ва коммуникация соҳасидаги ютуқлар ахборот-психологик уруш олиб боришга кенг имкониятлар яратди.

А.Караяни **“Замонавий урушларда ахборот-психологик қаршилик кўрсатиш”** сарлавҳали мақоласида АҚШда ҳозирги пайтда FM 100-6 “Ахборот операциялари”, FM 33-1 “Психологик операциялар” сингари дала дастурларидан

фойдаланилаётгани ва ахборот урушини олиб бориш соҳасида мутахассислар тайёрланаётгани ҳақидаги маълумотларни келтирган<sup>9</sup>.

Америкалик мутахассисларнинг таъкидлашича, ахборот уруши олиб боришнинг алоҳида концепиялари АҚШ томонидан узоқ вақт мобайнида қўлланилиб келинмоқда. Масалан, собиқ Варшава шартномасига аъзо давлатларга ана шундай ахборот-психологик тадбирлар қўлланилган. АҚШ Форс кўрфази (1990-91 йиллар), Гаити (1994 йил), Босния ва Герцеговинадаги (1996 йил) ҳарбий амалиётлар даврида ҳам кенг кўламли ахборот ва психологик тадбирларни амалга оширган. Ўз мақсадини кўзлаб турли ёлғон маълумотлар тарқатиш, бу операцияларда оддий ҳол саналади.

Украиналик А.Манойло ва Россиялик А.Петренко сингари таҳлилчиларнинг ёзишича, АҚШнинг Ироқдаги операциялари даврида ҳам турли-туман ахборот қуролларидан самарали фойдаланилган. Улар орқали оммавий ва индивидуал онга таъсир кўрсатилган. Масалан, ўша пайтда зотилжам касаллигининг янги тури тўғрисида миш-мишлар тарқатилган. Бу ахборот-психологик таъсир бутунлай ижтимоий фикрга эмас, балки ҳар бир шахсга йўналтирилган бўлиб, улар Ироқда бўлаётган воқеаларни бироз унутишга хизмат қилган. Бошқача айтганда, оғир касаллик ҳақидаги миш-мишлар орқали одамларнинг ижтимоий фикри чалғитилган.

А.Караянининг юқорида номи тилга олинган мақоласида ёзилишича, АҚШ Куролли кучларининг “Ягона истиқбол-2010” ҳужжатида ХХІ асрда қуролли курашнинг асосий хусусияти ахборот соҳасидаги курашга эътибор бериш ва ҳар қандай рақиб устидан ахборот ҳукмронлигига эришиш ҳисобланиши қайд этилган. Бундай психологик операциялар АҚШ ва унинг шериклари бўлган мамлакатлар учун маъқул бўлган йўналишда алоҳида раҳбарлар, ташкилотлар, миллий ва ижтимоий гуруҳлар ҳамда хорижий давлатлардаги айрим шахсларнинг ҳиссий ҳолати, ҳаракатлари, қарорлар қабул қилиши ва ўзини тутишига таъсир қилувчи махсус ишлаб чиқилган ахборотни тарқатиш чора-тадбирларини қамраб олади.

<sup>9</sup> “Dar al Hayat” 2010.06.14 <http://ksa.daralhayat.com>

Стратегик даражада психологик операциялар муайян сиёсий ёки дипломатик қарашларни, расмий баёнотларни ёки давлат раҳбарларининг хабарларини тарқатиш ва тарғиб қилиш шаклида бўлиши мумкин. Ахборот-психологик таъсир ўтказишда сиёсий ва ҳарбий раҳбарлар, шунингдек, ОАВ, маданият ва санъатнинг кўзга кўринган вакиллари асосий объект бўлиб ҳисобланади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, кейинги пайтларда мамлакатимизга нисбатан ҳам ахборот-психологик таҳдидлар тез-тез содир этилаётгани таъкидланмоқда. Бу жараёнга Президентимиз Ислом Каримов қуйидагича изоҳ берган: **“Жаҳон геосиёсатида халқларни маънавий-мавқуравий жиҳатдан тобе этишга интилиш ва бугунги кунда дунёни шундай асосда бўлиб олишга уринишлар давом этмоқда. Бунинг учун улар ҳозирги замон оммавий ахборот воситалари, уларнинг ютуқларидан ҳамда турли хил марказлар, айти пайтда ўзаро ҳамкорликка йўналтирилган ижтимоий, маданий, иқтисодий воситалардан фойдаланиш орқали дунёнинг турли ҳудудларида ўзларига мос мафқуравий муҳитни шакллантириш мақсадларини ҳам кўзламоқдалар. Барчамиз бугунги ҳаёт олдимизга кўяётган бир аччиқ ҳақиқатнинг маъно-мазмунига етиб боришимиз зарур. Бу аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, агарда кимда-ким бизнинг мустақил тараққиёт йўлимизни, орзу-мақсадларимизга эришиш йўлини, янги жамият қуриш йўлини тўсмоқчи бўлса, аввало, ҳали суяги қотмаган, мустақил дунёқараш шаклланиб улгурмаган ёшларимизнинг қалби ва онгининг мўртлигидан фойдаланиб, уларнинг маънавиятини бузиб, бизнинг азалий табиатимизни ва муқаддас одатларимизга мутлақо зид бўлган ғоялар билан чалғитиб, ўзининг ғаразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш йўлида қурол қилиб олишга уринади”**<sup>10</sup>.

Бу эса уларга қарши жиддий курашишни тақозо этади. Бунинг учун ахборот хавфсизлиги бўйича кенг қамровли тадбирларни амалга ошириш зарур. Миллий истиқлол мафқурасини кенг тарғиб этиш, аҳолини тўғри ахборот билан тез ва ўз

<sup>10</sup> Каримов И.А. “Хавфсизлик ва тичлик учун курашмоқ керак” . - Т.: Ўзбекистон. 2002. 118-б.

вақтида таъминлаш, жамоатчилик фикрини тўғри шакллантириш ана шундай вазифалар сирасига киради.

Бугунги ёшларнинг аксарияти асосий ахборот манбаи сифатида интернетга мурожаат қилишади. Лекин уларда ахборот иммунитетини шаклланмаган миш-мишлар дунёси бўлмиш "Интернет" орқали маънавиятга салбий таъсир вужудга келиши мумкин. Нега таъсир қилади? Бугунги кунда ёшларимиз - турли хил Ғарб сериаллари таъсирида, миллий қаҳрамонларимиз жасоратидан беҳабар ўсаётганлиги сабабли маънавиятга қайтадан чуқур эътибор қаратмас эканмиз, уларнинг зеҳни ўткир, дунё билимларини эгаллаган бўлишларига қарамасдан, Ватан манфаати йўлида хизмат қилишларига, бегона ғояларга берилмаслигига кафолат бериб бўлмайди. Улар, энг аввало Ватанга эътиқодли, урф-одат ва қадриятимизга садоқатли қилиб тарбиялансагина, исталган бузғунчи ахборотларга нисбатан ўз ахборот иммунитетлари шаклланади.

Қуйидаги ҳолатларда ахборот хужумларини кузатиш мумкин :

- ахборот тизимларини йўқ қилиш, бузиш ва тўғрилаш;
- ҳимояланиш тизимини айланиб ўтиш;
- қонуний фойдаланувчилар имкониятларини чеклаш;
- компьютер тизимининг техник воситалари ишлашини бузиб ташлаш;
- компьютер вируслари;
- мантиқий бомбалар;
- тест дастурларини ишдан чиқарувчи воситалар
- ахборот айрибошлашни йўқ қилувчи воситалар;
- ҳар хил турдаги хатоликлар.

Ахборот қуролининг универсаллиги, яширинлиги, дастурий аппарат амалга оширилиши шаклланининг кўп вариантлиги, таъсирларнинг радикаллиги, вақт ва жой танлаш имконининг етарлилиги ва ниҳоят тежамлилиги, унинг жуда хавфсизлигини кўрсатади: у осонгина ҳимоя тизимига яшириниши мумкин, уруш эълон қилмасдан аноним шаклда хужум ҳаракатларини олиб бориши мумкин.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш ва бошқариш, мудофаа ва алоқа, транспорт ва энергетика, молия ва фан-таълим, ОАВ - барчаси ахборот алмашуви жадаллигига, ҳаққонийлигига, тўлиқлиги ва тезлигига боғлиқ. Шунинг учун жамиятнинг ахборот инфраструктураси - ахборот куролининг нишонидир.

Ахборот ҳуружи учун энг қулай пайт бу – давлат бошқарув тизимини қўлдан чиқарилган вазиятдир. Бундай вазиятлар сайловлар даврида, Ғавқулотта вазиятлар содир бўлгандаб айниқса, рангли инқилоблар даврида амалга оширилгандаб уннг самараси яққол кўзга ташланади. Бундай вазиятларларга тайёр туриш учун қуйидаги ҳолатларга эътиборли булиш талаб этилади.

Рангли инқилоблар даврида ахборот ҳуружи

- **Рангли инқилоб - қонуний ҳукуматларни ноқонуний йўллар билан ағдариб ташлаш демақдир** ( Сербия, Грузия, Украина),
- Рангли инқилоблар Ғарбнинг кучли ахборот босими асосида амалга оширилади.
- Рангли инқилобларни амалга оширишда замонавий ва қимматбаҳо электрон ахборот воситаларидан кенг фойдаланилади
- Ахборот ҳуружларига қарши туриш учун нималар қилиш лозим:
- Лоқайд бўлмаслик;
- Ўз қатъий позисиясига эга бўлиш;
- Ўз позисиясини аргументлай билиш;
- Ҳозиржавоблик (ҳар бир ҳуружга вақтида жавоб қайтариш).
- Кибертерроризмнинг бир неча турлари бор. Булар:
- Вирус тарқатиш;
- Интернетда ноқонуний бойлик орттириш;
- Кибер-манякчилик;
- Турли хил кибержиноятлар ва ҳ.к.;
- Турли бўхтон ва уйдирмалар тарқатиш орқали бирор мамлакатни ёки шахсни обрўсизлантириш.
- Ахборот урушининг мазмун-моҳияти, мақсади, амалга ошириш усуллари, таъсир

қилувчи омилларга қараб бир неча турга бўлинади. Булар:

- Ёлғон ахборот тарқатиш;
- Ижтимоий онгни манипуляция қилиш;
- Миллий-маънавий қадриятларни емириб ташлаш;
- Етти ёт бегона маънавий қадриятларни сингдириш;
- Халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш;
- Кибертерроризм.

Бундан ташқари ахборот хуружининг компьютер технологиялари билан боғлиқ энг хавфли тури бу - кибертерроризмдир. Бу террорчилик аввал одамзодни онгини, руҳини забт этади, кейин эса жисмини. Ахборот урушининг мазмун-моҳияти, мақсади, амалга ошириш усуллари, таъсир қилувчи омилларга қараб ҳам бир неча турларга бўлиш мумкин.

#### Ахборот хуружнинг асосий қисмлари

1. Психологик операциялар - ахборотдан фуқароларга таъсир этишда фойдаланиш;
2. Электрон хуруж - аниқ маълумотларни олиш имконини бермайдиган восита;
3. Дезинформация - душманга сохта ахборот бериш;
4. Физик бузилиш - ахборот хуружининг қисми сифатида қаралиши мумкин, агарда ахборот тизим элементларига таъсир этиш кўзда тутилган бўлса;
5. Очиқ ахборот хуружлар - ахборотни кўзга кўринмайдиган ўзгартиришларсиз бузиш.

Ахборот хуружларининг мақсадлари ўз ахборот функциялари ва ресурсларини ҳимоялаган ҳолда ахборот муҳитини назоратга олиш, ахборот хужумларини олиб бориш учун назорат қилинаётган ахборотлардан фойдаланишдан иборат.

АҚШ ва Буюк Британиянинг Ироққа қарши олиб борган операциясининг аҳамиятли томони унинг аввалдан информатсион – психологик жиҳатдан обдон тайёргарлик кўрганидир.

Бу операциянинг асосий вазифаларидан бири – ахборот уруши концепцияларини амалга ошириш ҳамда тезкор тактик ва стратегик даражадаги

ҳаракатларни бошлаш эди. Ироққа қарши бошланган информацион – психологик хуружга, АҚШ ва Буюк Британиянинг расмий ахборот тарқатувчи тузилмалари, ОАВ ва психологик операциялар бўйича АҚШ ҳарбий кучлари жалб қилинди.

**Информацион- психологик таъсирнинг асосий объектлари эса, жаҳон ҳамжамиятининг фикри, маҳаллий аҳоли, ҳарбий – сиёсий қўмондонлик ва Ироқни қуролли кучлари бўлганди.**

Ироққа қарши очилган информацион – психологик урушни стратегик даражада Оқ уйнинг расмий вакили Ари Флейшер бошқариб борди. Унинг бошқаруви остида ҳар куни бош телеканал ва ахборот агентликлари учун брифинглар (конференция) ташкил этилди. Бу брифингларда Оқ уйнинг Америка ва халқаро ОАВ ни бошқарувчи асосий вакиллари қатнашди – давлат департаменти ва Пентагон вакиллари ва шунингдек Буюк Британия вазир ўринбосари вакили мунтазам қатнашиб турди. Бундан ташқари ҳар куни Оқ уйнинг яқинда очилган глобал тармоқлар бўлими (Global Communications Office) томонидан хабарномалар тарқатилди, уларда Ироқ кўшинини йўқотиш ва коалиция ютуқлари ҳақида маълумот берилди.

Ҳарбий ҳаракатларни ахборот билан таъминлаш АҚШ маъмурияти билан узвий боғланган учта аналитик марказларга топширилди: Potomac Institute for Policy Studies, Rand Corporation ва American Enterprise Institute (AEI). Шулардан сўнгиси хал қилувчи рол ўйнади.

Чет эл аудиториясига “қора” тарғибот ўтказиш билан яна бир хусусий корхона шуғулланар экан бу – Жон Рендон томонидан бошқарилаётган Рендон Групп корхонасидир. Шунингдек Рендон Групп Ироқнинг Қувайтга хужумини очишда ва “Сахро бўрони” операциясида ҳам иштирок этган. Гуруҳнинг асосий вазифаси – чет эл журналистларини дезинформация тарқатишдир. “Сахро бўрони” операцияси давомида унинг бошқаруви билан Пентагон таъсис этган стратегик таъсир бўлими шуғулланган.

2002 – йил биринчи ярмида АҚШ раҳбарияти жамият фикрини йўналтиришга ва Ироқ ҳудудида бўладиган ҳарбий ҳаракатларга шароит яратишга қаратилган кенг миқёсли ахборот тарғиботини бошлади. Шу соҳада бир йил давомида



ўтказилган амалларнинг таъсир этиш даражаси ва хажми, жанговор ҳаракатлар бошланганида энг юқори нуқтасига етди.

Ироққа қарши бошланган операцияда информацион – психологик таъминотнинг асосий ҳаракатлари бу - (стратегияси) ҳарбий аксиясининг тенг ҳуқуқли ва халқаро ҳуқуқ нормаларига тўғри келишини таъкидлаш, С.Ҳусайн тартибларини бузиб, БМТ инспекторлари ишига норозилик билдирганликда айблаш, жамоатчиликдан Ироқда бўлиши мумкин бўлган оммавий қирғин қуролини сир тутиш, Америка – Англия компаниясининг ҳарбий қудратини кўз – кўз қилиш ва ҳамкорларнинг тинч аҳоли жабр кўрмаслигига ҳаракат қилишига қаратилган.

Операция ахборот урушининг умумий кўриниши бироз ўзгарганини кўрсатади. Масалан, урушнинг илк кунлариданоқ Америка – Англия қўшини томонидан Ироқнинг ахборот инфраструктурасига тегилмади. Бироқ, КНИ (бошқарув тизимларига қарши кураш концепцияси) буйруғига кўра, душманнинг телетармоқ тизимларини биринчи ўринда ишдан чиқариш керак эди. Коалиция қўшини раҳбариятини одатий услублардан воз кечишининг сабаби кейинчалик Ироқ ахборот инфратузулмасидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш эди.

Воқеа жойидан ҳарбий ҳаракатларни ёритган ОАВ вакиллари билан “Сахро Бўрони ” операцияси тажрибаси асосида ишланди, яъни чет эл нашрлари учун махсус журналистик “пула” лар яратиб, коалиция давлатлари мухбирлари эса, бемалол қўшинни кузатиш мумкин эди. Чет эл ОАВ билан ишлаш учун Коалиция томонидан Қатарда халқаро матбуот- марказ ташкил этилиб, унда ишлаш учун барча шароит – телефон ва интернет тармоқлари ҳамдасунъий йўлдош алоқалари ўрнатилган. Урушнинг илк кунларида матбуот- маркази иши ундаги танқиди бекор қилинган журналистлар томонидан кучли танқидларга учради. Биринчи уч кунда битта ҳам брифинг ўтказилмади. Бундай шароитда, матбуот- марказида навбатчилик қилаётган журналистлар бир-биридан интервью олишга тўғри келган. Пресс – марказда сўроқлар ўтказилганда , коалиция қўшини вакиллари меъёрлаштирилган ахборот бериш ва шу тарзда вазирлик томонидан берилган маълумотларни тасдиқлашди ёки инкор этиш билан чекланган.

Бирон бир каналда коалиция кўшини техникаси ёки жангчиси йўқ қилинганлиги ҳақида хабар берилганидан сўнг матбуот – марказида брифинг ташкил қилинарди. Журналистларга эса, бу Ироқ тарғиботи эканлигини етказишарди. Бундай тактика америкаликлар томонидан Югославия исёни вақтида қўлланган, яъни операция раҳбарияти нуқтаси назарига қарши бўлган ҳар қандай ахборот шунчаки инкор этилган.

Америкалик таникли журналист Жеффри Стейнберг «Чейнингнинг дастёрлари ядро қиёматига йўл очмоқдалар» сарлавҳали мақоласида онг учун кураш уйдирма эмаслигини исботлашга ҳаракат қилади. Океан ортидаги одамларнинг онгини бузиш қандай наф келтириши ҳақидаги гап-сўзлар ўтган асрнинг 80-йилларида шахсий ташаббусдан давлат дастури даражасига кўтарилди. Давлатнинг қўллаб-қувватлаши натижасида мазкур лойиҳа тарқалиб, оккульт ёки жисмоний ўлимга олиб бормаيدиган уруш номини олди. Унинг асосида руҳият, маънавият ва онгни бўйсундириш орқали фикрлашда ялқовликка олиб бориш, ишончга кириш ётади. Бу халқаро миқёсда «минд вар» дейилади. У ҳақда Жон Александр, Пол Веллели, Майкл Акино каби мутахассисларнинг тадқиқотларида атрофлича тўхталиб ўтилган. Улар тафаккурни барбод қилишга қаратилган хуруж ва анъанавий ахборот уруши ўртасидаги чегарани аниқ кўрсатиб берганлар. Иккинчи жаҳон урушидан бери қўлланиб келинаётган аксилтарғибот, психологик операциялар онг учун курашдан фарқ қилишини Стейнберг ҳам алоҳида эътироф этади: «Ақлни бузиш қуроли дўстлар, душманлар, бетарафларга бирдек таъсир этади. Унда оддий варақалар, тарғиб бўлимларининг махсус ташвиқотчилари ишлатадиган радиокарнайлар, кичик доирага қаратилган психотроп воситалардан фойдаланилмайди. Мазкур дастур ёрдамида биргина марказдан туриб сайёрамизнинг ихтиёрий нуқтасидаги одам онгини нишонга олиш мумкин. Албатта, бунда электрон ОАВ, телевидение ва радио энг катта ёрдамчилардир. Йўлдош алоқалар, видеоёзув техникаси, оптик толали технология бутун жаҳондаги одамларнинг онгига таъсир этиш учун шундай имконият берадики, илгари буни тасаввур қилишнинг ўзи амримаҳол эди. Бундай имконга эга бўлган инсон худди экскалатор(кирол Артурнинг афсонавий қиличи) ни қўлига олгандек

бўлади. У ўзини шу қурол ёрдамида бутун дунёни ўзгартириб юборишга қодирдек ҳис қилади. Бунинг учун қатъийлик ва журъат билан мазкур воситаларни дунё цивилизациясига сингдириш кераклигини ҳам билади. Мазкур воситаларсиз бизнинг мафкура (ғоя) бегона мафкуралар қуршовида кучсизланиб, йўқолиб кетиши мумкин. Агар бошқалар ана шу қилич олдида бўйсуниб, ўзлигидан қайтишни исташмаса, ундан ҳам даҳшатлироқ усуллар билан курашишимизга тўғри келади»<sup>11</sup>.

Шуни айтиб ўтиш керакки, қўпоровчилик ҳаракатларининг реал хавфи ва асоратларини англаш мумкин, аммо маънавиятни бузишга қаратилган урушлар хатарининг қай даражадалигини тушуниб етиш қийин. Миллий ўзлик, қадриятлар, шунга яраша тафаккур қилишнинг бузилишида турли тадқиқотлар, ОАВ ва реклама агентликлари катта рол ўйнаши билан бир қаторда, аксинча, мазкур хавфнинг олдини олиш ёки тўғрилашда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Онгни бўйсундириш, ақлни бузиш, ахборот урушлари ҳақида фикр билдириш кимлар учундир баландпарвозлик, жимжимадор гаплар бўлиб туюлар. Муносабатларнинг турли эканини табиий қабул қилиш лозим. Шуни ҳам унутмаслик керакки, ахборот асрида амалга оширилиши одат тусига кириб бораётган турли айёрликларни ўз вақтида англаб, уни мафкуравий иммунитет чиғириғидан ўтказган ҳар бир одам маънавий компасини қаерга йўналтирса, мақсадга мувофиқ бўлишини чуқурроқ тушуниб етади.

Ҳозирги кунда хайрли мақсадларда зимдан олиб борилаётган ўзаро курашлар бирор-бир миллатнинг ўзлигини йўқотишга қаратилаётганини сезиш мумкин. Унда дастлабки эътибор ҳудудларни ўзлаштиришга эмас, инсон онгини эгаллашга йўналтирилган. Зомбилашув, манқуртлик, оммавий маданият асирлари, фанатиклар ана шундай ҳаракатлар қурбонларидир.

Айрим мутахассислар мазкур маънавий-ахборий хуружларнинг ҳақиқий урушдан кам эмаслигини таъкидлаб, уни « war for consciousness », яъни «онг учун жанг», деб аташмоқда. Ер шарида ахборий ва коммуникатив боғлиқликнинг

<sup>11</sup> Steinberg J.C “The New World”, 2009, page 214. [http://www.gazeta.ru/news/lenta/2011/02/23/n\\_1717061.shtml](http://www.gazeta.ru/news/lenta/2011/02/23/n_1717061.shtml)

кучайиши ҳамда айрим миллатларга хос белгиларнинг глобаллашув даври таъсирида ўз қадрини йўқотаётганлигини бошқача маънода талқин этадиганлар ҳам топилади. Уларнинг фикрича, мазкур ҳол ўз қолипи, ўз тўнига беркиниб олганларни ташқарига чиқишга мажбур қилар экан.

Ҳозирги пайтда онгни бузиш учун курашда оммавий маданият воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Оммавий маданият феномени вужудга келишида реклама, мода, масс-медиа муҳандислиги, дизайн, хуллас, онга таъсир этувчи воситаларнинг аҳамияти катта.

Ҳозир ягона дунё харитаси мавжуд бўлса-да, инсонпарвар, тараққийпарвар халқларнинг эзгу мақсад-муддаолари акс этган ғояларига қарши бўлган, индивидуаллашган, фойдаланувчилар талабига мослаштирилган, айрим гуруҳлар манфаатига бўйсундирилган, аммо ҳақиқатдан узоқ турли бузғунчи ғоялар мавжуд бўлиб қолмоқда. Унинг ижодкорлари ақлни бўйсундиришнинг бир нечта йўлини ўйлаб топишган. Бу ҳол дастлаб ривожланган мамлакатлар аҳолисининг маданий қатламига чуқур кириб борган бўлса, вақт уни бутун дунёга ёймоқда.

Тараққий топган давлатлар ривожланмаган ёки энди ривожланаётганлар мамлакатлар учун идеал намуна сифатида намоён бўлади, дейишади. Шу ўринда бирор томоннинг ютуғини кўр-кўрона ўзлаштиришдан кўра, муваффақият сирлари ва унинг туб моҳиятини ўрганиш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтиш жоиз.

Шундай кучлар борки, улар онг ва ақлнинг ўтмаслашиши, миллатга хос белгиларнинг йўқолишидан манфаатдор. Бу йўлдаги мақсадни амалга ошириш учун катта маблағ керак бўлса-да, у келтирадиган даромад сарф-харажатларни ортиғи билан қоплайди. Масалан, АҚШнинг ички ва ташқи қарзлари жуда кўп бўлса-да, мамлакат ҳар йили 2,5 млрд. доллар фойда кўради. Қарз берган давлатлар Америкадан ўз пулларини талаб қилиши доллар тизимининг қадрсизланишига олиб келиши керак, аслида. Бироқ амалиётда ҳаммаси тескарисига айланиб кетган. Дунёнинг аксарият аҳолиси ўз маблағларини АҚШда сақлаш даромад келтириши ва бойиб кетиш учун замин яратишига ишонади.

Нега қарзлари бунчалик кўп давлатга нисбатан ишонч ҳанузгача кучли? Қуйидаги фикр-мулоҳазалар унинг сабабини тушуниб етишда ёрдам бериши мумкин. Бу борада АҚШда ишлаб чиқарилган махсус механизмнинг ўрни катта. У сайёрамиз халқларининг онги, руҳияти, эътиқодига маънавий-маданий жиҳатдан таъсир кўрсатиб, иқтисодий ва сиёсий соҳада катта фойда келтиради. Шунинг учун Христофор Колумб кашф этган қитъадаги ушбу давлатда нима содир бўлишидан қатъи назар, хорижликларнинг онг компасининг қафғири ўша тарафга бурилавериб, гўёки таянч нуқтасини топади. Аслида мазкур компас махсус институтлар томонидан бошқарилаётганини кўпчилик англаб етмайди. Шу йўналишда бир қатор ташкилотлар — ОАВ, санъат ва маданият марказлари, миллий корпорациялар, диний секта ва жамиятлар иш олиб боради. Улар америкача ҳаётни усталик билан юқорида айтиб ўтилган ахборот ва ғоялар ёрдамида тарғиб қилади. Шу орқали етакчиликка интилади. Бу ўринда молиявий жиҳатдан барқарорлик ва устунликни таъминлашда онгни эгаллаш, уни бузиш қай даражада аҳамиятга эга эканини эсламоқ лозим. Табиийки, бошқа давлатлар ҳам ўз имижига эга бўлишга интилмоқда. Йўқса, тараққиёт майдонидаги мусобақадан четга чиқишга, тобе бўлиб, кимнингдир орқасидан эргашишга тўғри келади.

Оммавий ахборот воситалари билан одамларнинг (беғона ёки ўзимизникиларга ажратмай) онгига ишлов бериш ғояси ўтган асрнинг 80-йилларида пайдо бўлганини айтиб ўтгандик. Жеффри Стейнберг ўз мақоласида бундан қарийб 30 йил олдинги фикрлар уйдирма эмаслиги, тафаккурни бузишга қаратилган ҳаракатларни нима учун айнан ҳарбийлар ва Америка элитасини бошқарадиган гуруҳлар қўллаганини шарҳлаб берган. “Онг ва ақлни ишдан чиқариш асосида олиб бориладиган уруш ҳақида тузилган дастур бугун ҳам қўлланиб келинади”, деб ёзади у. Адмирал Жон Пойндекстер бошқарган «Ахборотни тотал таъқиб этиш» дастури журналистик текширувлар даврида кўп маълумот бериш, шовқин кўтариш орқали онгни чалғитишга қаратилган эди. Онгни бузиш ғоясини сиёсат оламидаги таниқли одамлар, масалан, АҚШда донг таратган машҳур ҳарбий, идеолог Пол Вульфовиц қувватлаб келади. У 1990 йилларда АҚШ ҳарбий ва разведка тизимларида жисмоний ўлимга олиб

бормайдиган уруш ғояларининг тарғиботчиси сифатида фаолият юритган. Бундай тажрибалар океан ортидаги бир қатор илмий-ҳарбий лабораторияларда ҳам олиб борилган. Тадқиқотларда турли махфий хизмат вакиллари иштирок этган. Шу ўринда савол туғилади: улар инсон онгини бошқариш, бузиш усулларини қандай ўйлаб топишган?

Икки хил йўл билан дейиш мумкин — илмий йўл ва ижтимоий институтлар ёрдамида.

Уруш – бу сўз замирида йўқотиш ётади. XX аср охири ва XXI аср бошларигача уруш деганда, икки қарама-қарши томон бир-бири билан жанг қилиши, жисмоний томондан йўқотиш ва кимнидир куч билан енгилу тушуниларди. XX асрнинг 2-ярмида замонавий ахборот урушлари тушунчаси пайдо бўла бошлади. Энди бундай урушларда уруш қуроли, унинг кўринишлари, шакли ўзгариб борди. Замонавий урушларда қурол кучига қараб эмас, ахборотга эгалик қилиш ва уни ақл билан ишлатилишига қараб, давлатнинг кучи белгиланмоқда. Бутун инсоният онгли мавжудот сифатида халқлар тенглигини таъминловчи қонунлар ва халқаро ташкилотлар орқали ҳимояланиб қўйилган. Бу қонунлар олдида бой-камбағал, кучли ва кучсизлар тенгдир. Сайёрамизда яшаётган ҳар бир инсон ҳамма шахслар қатори ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятига эга. Бироқ баъзилар бундай тенгликка рози эмас. Улар қандай қилиб бўлса ҳам, бошқа халқларни емиришга ҳаракат қилишади ёки ўз ҳуқумронлигини ўтказмоқчи бўлишади. Бунинг учун албатта, танклардан фойдаланиша олишолмайди. Бугунги жамиятда энг самарали ва арзон уруш бу – ахборот урушидир. Бу урушнинг энг дахшатли томони уруш асоратлари бора-бора бутун бир миллатни йўқ бўлиб кетишига олиб келади. Учинчи кўриммас куч икки томонни ҳаракатга келтириши оқибатида, икки давлат бир-бирига қарши уруш очишади. Бу жойда учунчи кучни топиш жудаям мушкул масала.

Ахборот урушида қўлланиладиган энг самарали қурол бу – ОАВдир. Оддийгина телевидение орқали берилаётган кино, мультфильм, кўнгилочар дастурлар, клиплар, мусикалар ва сиёсий хабарлар орқали улкан ахборот оқими

кириб келади. Бу билан телевидениени кўрмаслик керак деган хулоса келиб чиқмайди. Фақатгина бу кўринишларга иммунитетни кучли бўлган жамиятгина ахборот хуружидан қутулиб қолади. Бу иммунитетни қандай қилиб шакллантириш керак. Ҳақиқий ўзликни англаш орқали албатта. Ўзликни англаш деганда нима тушунилади. Бу миллий маънавият, миллий тарих, миллий дунёқарашдан бошланади. Буни И.А.Каримов “Юксак маънавият - енгилмас куч ” асарида шундай таърифлаганди: “Қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзвешимчалikka ташлаб қўйилса, ўша йерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда ҳушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша йерда маънавият қудратли кучга айланади”<sup>12</sup>.

Ўзбекистонда ОАВ томонидан берилаётган ахборотларни кўпчилик қисмини миллий ахборотлар ташкил қилади. Бу очиғини айтганда ўзимни ҳам энсамни қотирадди. Нега энди бизда чет элга ўхшаб, ҳар бир вазиятларни очикдан-очик кўрсатишмайди, нимага қизиқ дастурларни бизда олиб бермайди дердим. Лекин, диплом ишим учун изланишлар олиб борганимда, бизнинг халқимиз, маънавий озуқа билан тўлиқ озиқланмаганлигига ва ҳали бундай очикликка тайёр эмаслигини англаб етдим. Бизнинг ёшлар, бизнинг журналистлар орасида чет эл журналистларидан ҳам кучли журналистлар бор. Фақат, биз миллий маънавий қуролимизни кучайтиришимиз керак. Журналистларимизнинг олдидаги энг биринчи иш, маънавий бўшлиқларни тўлдиришдир. Шундан кийингина, ўзимизни барча турдаги ахборотларга тайёр деб ҳисоблашимиз мумкин. “Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотиасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак”<sup>13</sup>.

<sup>12</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч, Маънавият 2008, 116 бет.

<sup>13</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч, Маънавият 2008, 140 – бет

## **2 Боб. Замонавий дунёдаги ахборот урушлар.**

### **2.1 Жанубий Осетия масаласи бўйича Россия ва Грузия можароларининг ОАВда ёритилиши**



2008-йил 7-августдан 13-августгача Жанубий Осетияда давом этган ҳарбий-сиёсий келишмовчиликнинг асосий хусусияти – етакчи давлатлар томонидан инфор­мацион тузулмаларнинг ишлатилиши бўлганди.

Жанубий Осетияда бўлиб ўтган воқеаларни ғарбнинг кўплаб умумхалқ газеталарида муҳокама қилинди. Ва бу воқеаларга ҳар бир мамлакат ўзининг сиёсий қизиқишларидан келиб чиқиб муносабат билдирди. Грузия – Осетия можаролари орқали Россияга қарши ахборот хуружини дунёнинг энг илғор ОАВ орқали олиб борилаётганини янада яққол кўрсатди. Россиянинг Кавказда тинчлик ўрнатиш мақсадида қилинган ҳаракатлари ор­тиқча ва оқлаб бўлмайдиган асл бузғунчилик бўлса-да, жабрланувчи сифатида Грузия кўрсатилган. НАТО га аъзо давлатларнинг медиа корпорациялари содир бўлган дахшатли воқеаларни ўз жамоатчилигига объектив баҳо беришга имкон бермади. Жанубий Осетия воқеасидан сўнг дунё ОАВ да “Россиянинг империявий қилиқлари”, “ССР га қайтиб” қабилидаги ёзувлар пайдо бўла бошлади. Бундай имидж, шубҳасиз, Россиянинг ташқи сиёсати­га ҳам, бизнесига ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Россия Федерацияиси Жанубий Осетия ва Абхазияни химоя қилиб, уларни мустақиллигини тан олди, бироқ ахборот уруши туфайли, умумхалқ жамоатчилиги бу давлатларни озод деб тан олишдан бош тортди ва Россия Федерацияиси ҳаракатларини қоралади. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Белорусия каби ҳамкорлар Россияга қўшилмади. Шунга қарамай, Россия аҳолисини аксар қисмини ташкил этадиган бу давлат вакиллари Дмитрий Медведевнинг қарорларини қўлламоқдалар<sup>14</sup>.

“ОАВ даги уруш Цхенвали отишмалари бошланмасдан олдин вужудга келган. Ғарбий телеканаллар узоқ вақт давомида Саакашвилининг демократиясини, ғарбийлашишига қаратилган сиёсатини қўллаб-қувватладилар. Жанубий Осетия ва Абхазиялик “сепаратист” лар фаоляти эса фақат ёмонлашди. Бундай қилишдан ғарбий ОАВ нинг асосий мақсади – жамоатчиликка керакли

<sup>14</sup> Цыганов В. В. Информационный менеджмент и национальная система информационного управления и противоборства/В. В. Цыганов. - Юбилейный: Издательство ПСТМ, 2008. - 28 с. С. 13-15

фикрни етказиш ва информაციон майдонини тайёрлаш эди. Россия эса, олдиндан бундай тайёргарлик кўрмаган эди, шунинг учун кундузи 8 – августда бошланган информაციон ҳужум Россия ОАВ учун кутулмаган ҳолат бўлганди.

Ғарбда Россия дипломатлари ва ҳарбийлари чиқишлари ҳеч қандай натижа бермаётган эди. Энг қизиғи шундаки, ҳарбий ҳаракатлар тугатилганидан сўнг, Ғарбда кўпроқ Медведев эмас, Саркози эътибор марказида бўлиб қолди.

Ҳарбий ташвиқот учун биринчи ўринда телевидение аҳамиятлидир, унга эса штамплар (хроник ёзувлар) хосдир. Хужумкор рақиб бу вазиятда фирром учун штамплардан фойдаланади. Бўлиб ўтган урушда бу штампларнинг барчаси бир неча мартаба ишлатилди – ишлатилганда ҳам кўпчилик мамлакатларни лол қолдирди”<sup>15</sup>.

Американинг умуммиллий “The New York Times” газетидаги Грузия – Осетия можароси ҳудудида 8 августдан 13 – августгача бўлган ҳарбий ҳаракатлар тўғрисида нашрлар таҳлиллари шунини кўрсатадики, Россия ва унинг етакчилари бузғунчи ва уруш сабабчи сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Улар қуйидаги гаплардан фойдаланган:

- “Россия уруш ҳаракатини бошлаб берди”
- “Россия Грузия бўйлаб авиаҳужум уюштирди”
- “Авиаҳужумлар Қрим томонидан тасдиқланди”
- “Россия киберуруш эълон қилди”
- “Россия уруш олиб бормоқда”
- “Россиянинг жанговор ҳаракати”
- “Грузия можароси – Россия ҳокимияти чегараси”
- “Россиянинг ҳарбий самолётлари Цхинвалидаги Грузия ҳарбий кучлари ва фуқароларига ҳужум қилишди”
- “Россия ҳам ҳавода, ҳам қуруқликда, ҳам сув йўллари бўйлаб кенг миқёсда ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди”
- “Кремл ўз қўшнилари шантаж қилди” ва бошқалар.

<sup>15</sup> Шевяков Т., Жаров М. Хроники информационной войны//<http://lib.aldebaran.ru>

“The New York Times” газетасида атайин битта томон (Россия) дискредитация (чекиниш) қилинса, иккинчиси (Грузия) яхшиланган ва бўлаётган воқеаларда ҳеч қандай айби йўқлиги таъкидланган. Айнан шу газетада чоп этилган кейинги мақолаларда Грузия жабрланувчи сифатида кўрсатган: “Россия қирувчи самолётлари Грузия бўйлаб учиб ўтдилар”, “Тбилиси эвакуация қилинди”, “Грузиянинг давлат веб-сайтлари барбод бўлганди”, “Грузияга ҳужум”, “Кримда ундан (М. Саакашвили) нафратланишади”, “Грузия бамисли демократия маёғи, Қрим уни (М. Саакашвили) йўқ қилмоқчи” ва ҳақозо шунга ўхшаш фикрлар келтирилган.

“Қаҳрамонлар” “Варварларга” қарши турган бундай уруш сурати томошабинни яхшилиқни қўллаб, ёмонликни қоралаш ундайди. “The Times” газетаси, эски стереотиплар асосида, аудиторияга Россия тўғрисида аниқ йўналтирилган фикрни боғлайди.

Грузия ҳудудида 8 –августдан 13 – августгача давом этган можарога “The New York Times” газетаси томонидан Россиянинг хатти-харакатига баҳо берилар экан, Россия бузғунчи сифатида ажратиб кўрсатилган.

### **1. Жадвал. Россиянинг Грузия – Осетия конфликтдаги иштирокига “The New York Times” газетаси томонидан берилган таҳлил**

Димонизациялаш (Мамлакатларни салбий бўёқларда кўрасатиш)		
сана	Мақоланинг номи	Мақоланинг таркиби

08. 08. 2008	<p>Россия ва Грузиянинг Сепаратистик (миллатчилик) соҳадаги келишмовчилиги</p> <p>(Russia and Georgia Clash Over Sepatatest Region)</p>	<p>Россия Грузия объектлари бўйлаб авиаҳужум уюштирди; авиаҳужумлар Қрим томонидан маъқулланди; Россия киберуруш олиб боряпти; Россия уруш эълон қилди; Грузия келишмовчилиги – Россия ҳукмронлигининг чегараси; Россия ҳарбий самолётлари Цхинвалидаги Грузия ҳарбий кучларига ва аҳолисига ҳужум қилди; Грузиянинг тўрт шаҳридаги аэропортларга зиён етказилди.</p>
09.08.2008	<p>Грузия ва Россия тўқнашуви америкаликлар учун руслар билан ҳамкорликни давом эттиришда дарс бўлди.</p> <p>(In Georgia Clash, a Lesson on U.S Need for Russia)</p>	<p>Россия самолётлари Грузияда отишма уюштирди; Россия Грузиядаги отишмаларни тўхтатди; Саркози Россияни ҳарбий ҳаракатлардан қайтаришга урунди; улар (руслар) қатъий ҳарбий ҳаракат бошлаб, урушни вужудга келтирдилар; Россия ҳарбий кучларни жўнатди; Россия ўз ҳокимиятини тикламоқчи.</p>
10.08.2008	<p>Грузия ва Россия бутунжаҳон урушига яқинлашиши</p> <p>(Georgia and Russia Nearing All-Out War)</p>	<p>Келишмовчилик урушга қараб ўсиб бормоқда; Россиянинг қирувчи самолётлари ҳужумкор ҳаракат бошлади; Россия катта ҳарбий куч тўпламоқда; улар (Россия кучлари) учунчи ҳужумкор чизикни очишлари мумкин; Россия отишмани давом эттирди; Россия жанубий Остияни</p>

		<p>хам Абхазияни ҳам эгалламоқчи; ғарб қаршилиги олдида Кремлнинг бўйин товламаслиги ва ҳаракатларни ошкор этмаслиги; руслар ҳужумни тўхтатиши лозим; отишмани тўхтатишга чақирамиз; Горидаги авиаҳужумлар оқибатида 80 дан ортиқ одам халок бўлган, 40 дан ортиғи турар жойларидан ажралган, 800 одам жароҳатланган, уларнинг бариси Грузия фуқороси.</p>
11.08.2008	<p>Руслар сепаратистлик соҳаси орқали Грузияга бостириб кирмоқчи</p> <p>(Russians Push Separatist Area to Assault Central Georgia)</p>	<p>Россия ўз ҳужумини кенгайтирди; Грузиянинг ғарбга (демократик) мойиллиги Кремлнинг ғашига тегмоқда; Россиянинг ҳаракатлари халқларнинг хавотири ва қаҳрига сабабчиси бўлганди; Россия дипломатик тарзда , АҚШ билан қўшилишга замин тайёрламоқда; Грузия президентининг ҳарбий кучларини йўқ қилиниши Чоризм йўқ қилингандан бери, ҳарбий ҳаракатлар (денгиздаги ракета зарбалари) русларнинг чегарадаги асосий кучларига айланган; русларнинг ҳужуми жавобсиз қолмаслиги керак; Россия келишмовчиликдан фойдаланишга ҳаракат қилди; руслардан</p>

		<p>артиллерия қуроллари Гори шаҳрига катта зиён етказди; рус парашютчилари ва уларнинг абхазиялик ҳамкорлари Грузиянинг махсус кучларига қарши курашдилар; Россия бомба ташлади; Россия 2 маротаба авиация заводида бомба ташлади.</p>
12.08.2008	<p>Русларнинг урушдан мақсади</p> <p>(Russian`s War of Ambition)</p>	<p>Михаил Саакашвили Москванинг тузоғига илинди; Кремл ўз қўшнилари шантаж қилди; Россия Грузияга бостириб кирди; Россиянинг Грузия пойтахтига ҳужуми, Путин қайтадан совет ҳужумларини тикламоқчи; Грузияга ҳужум Россия томонидан режалаштирилган; Россия Украина устидан мазах қилиб, қўшниларига пўписа қилмоқда; Путин Россия матбуотининг эркинлигини бўғиб қўйган; Москва ғулғуласи.</p>
13.08.2008	<p>Буш ёрдам юбориб, Москванинг кетишини талаб қилмоқда</p> <p>(Bush sent the help and demanded, that Moscow left)</p>	<p>Россия ҳудуд устидан ҳарбий ҳукумронлигини кўрсатмоқда; Россия бурчини бажариб, ҳарбий ҳаракатларни тўхтатади; Россиянинг бостириб кириши; Россия қўшни давлатга бостириб кириши, пойтахтни қўлга олиши ва ҳукуматни ағдариши мумкин; Россия кучлари келишув</p>

		шартларини бузушда давом этарди.
Героизациялаш (Мамлакатни оқлаш, қахрамолатириш)		
08.08.2008	Россия ва Грузиянинг сепаратистик соҳадаги тўқнашуви.  (Russia and Georgia Clash Over Separatist Region)	Рус ҳарбийлари Россия кучларига тинчликни сақлашда ёрдам бериш учун етиб келишди; Цхинвалидаги тинчликни сақлашга йўналтирилган рус кучлари.
09.08.2008	In Georgia Clash, a Lesson on U.S Need for Russia	Путин жанубий Остиядан Россияга келган қочоқларга ёрдам берди.
10.08.2008	Грузия ва Россия умумжаҳон урушига яқинлашди (Georgia and Russia Nearing All-Out War)	Русларнинг тинчликни сақлашга қаратилган кучлари.
11.08.2008	Руслар сепаратистик соҳа орқали Грузияга ҳужум қилди.  (Russians Push Past Separatist Area to Assault Central Georgia)	-

12.08.2008	Россиянинг урушдан мақсади  (Russian`s War of Ambition)	-
13.08.2008	Буш ёрдам юбориб, Москванинг кетишини талаб қилмоқда  (Bush sent the help and demanded, that Moscow left)	-

2008 – йил 8 ва 13 – август кунлари орасида давом этган Грузия – Осетия можаролари авж олган пайда, Буюк Британиянинг “Times” газетасида чоп этилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Россия ва унинг ҳукумат раҳбарларининг ён қўшниларига нисбатан агрессив хатти-ҳаракатларини тўхтамаган. Хусасан, “Times” газетаси уларнинг хатти-ҳаракатларини қаттиқ танқид остига олди ва қуйидаги мазмундаги очикдан-очик мақолалар чоп эттирди, масалан: “Кримл ўзининг митти қўшнисининг тичлигига раҳна солди” “Россия Грузияда демократияни йўқ қилишга қаратилган стратегиясини амалга оширмоқда”, “Россия у ерда бостириб кириши учун айна муддао излаётганди”, “Рус ҳарбийлари Грузияни гуманитар фалокат билан кўрқитишмоқда”,



“Ҳарбийларнинг бостириб кириши”, “Русча агрессия”, “Танаффузсиз қирғин”,  
“Россия урушни тўхтатмоқчи эмас” ва ҳоказо...

## 2 - Жадвал. “Times” газетасида Россиянинг Грузия-Осетия келишмовчилигидаги иштироки ҳақида

Димонизациялаш (Мамлакатларни неготив кўрасатиш)		
Сана	Мақоланинг номи	Манбанинг таркиби
08.08.2008	<p>Россия ва Грузия урушга яқинлашмоқда</p> <p>(Russia and Georgia move to brink of war)</p>	<p>Россия Грузия ҳудудини портлатмоқда; уч ҳарбий Горини портлатди; Россия Грузияга босим ўтказяпти; Россия жангни тўхтатишдан бош тортди; Жанубий Осетия ҳудудига қуролланган кучлар кириб келди; уч ҳарбий етти одамни жароҳатлаб, шаҳарни портлатди.</p>
09.08.2008	<p>Россия ҳарбий машинани Грузия томонга бурди</p> <p>(Russia turns might of its war machine on rebel neighbour Georgia)</p>	<p>Тўхтовсиз портлашлар; Россия уруш олиб бормоқда; Россия самолиёти Грузиянинг ҳарбий кучларига ҳужум қилди; Агар Россия Грузия устидан ғалаба қозонса, дунё учун катта муоммога айланади; Кремл ўзининг кичик кўшнисини босиб олмоқчи</p>
10.08.2008		<p>Рус отрядлари Грузияга кириб келди; рус самолиётлари</p>

	<p>Грузия ўз кучларини Жанубий Осетия пойтахтидан олиб чиқди</p> <p>(Georgia pulls troops out of South Ossetia capital)</p>	<p>харбий учувчиси майдонни портлатишди; Россия ўзининг совет даври ҳамкорини йўқ қилишда айблади, Россия 2 – фронтни очишга тайёрланган; Эстония, Латвия, Литва ва Польша етакчилари Москва босқинини қоралашди; Россия ҳаракатлари ва миллатчи Германия тактикаларининг таққосланиши; Россиянинг мақсади – Грузияда демократияни йўқ қилиш эди; Москва Кавказ харитасини қайта ишлаш ҳаракати билан оввора.</p>
11.08.2008	<p>Келишмовчилик ўсиб бормоқда: Россия иккинчи фронтдан Грузияга бостириб келмоқда.</p> <p>(Russia attacks Georgia on two fronts as conflict escalates)</p>	<p>Россиянинг иккала фронтни очиши; Кремл ҳамон халқларнинг тинчликка чакирувчи босимини эътиборга олмаяпти; Россиянинг Грузия ҳужумини тўхтатишга умид йўқ; Россия Грузияни эгаллашга урунди; рус танклари аҳоли турар жойлари бўйлаб ўтишди; рус отрядлари қотилликка қўл урушди; Россия томонидан инсон ҳуқуқларининг поймол қилиниши; рус Мигилари томонидан Грузия ерлари</p>

		<p>портлатилиши; Россия кучлари Грузия чегарасида артиллерия ўрнатишди; Россия томонидан тинчлик келишувига зарба берилди; Россиянинг Грузия ҳудудига босқини давом этмоқда; Грузиянинг маъмурий-ҳудудий ҳуқуқларига ҳурматсизлик; Россиянинг Грузиядаги ҳаракатларини ҳеч қандай оқлаб бўлмайди.</p>
12.08.2008	<p>Президент Саакашвилини ҳаво ҳужуми хавфидан ҳимоя қилишяпти</p> <p>(President Saakashvili guards scramble to protect him front air raid risk)</p>	<p>Россия халқ томонидан сайланган ҳукуматни ағдаришга урунди; Тбилисидаги аэропортга ҳужум қилди; Руслар Горини қўлга олишди; Москва Саакашвилини нишонга олган; Горида бостириб кириш учун Россияга баҳона эди; Россия Саакашвилини йўқ қилмоқчи; Россия ўзининг халқаро обрўсига путр етказди; Россия кенг маънода “хавфли безори”; Россия Горини гуманитар сиқувга оляпти</p>
13.08.2008	<p>Кавказдаги шартли тинчлик</p>	<p>Россия кучлари келишувга қарамай, Грузияга кириб</p>

	Горидаги танклар туфайли ушлаб турилибди (Shkay Caucasus Ceasefire holds amid claims of thanks in Gori)	боряпти; Россиянинг жоҳил ҳаракатлари
Героизациялаш ( Мамлакатни оқлаш, қахрамолатириш)		
08.08.2008	Россия ва Грузия урушга яқинлашмоқда  (Russian and Georgia move to brink of war)	Россия Жанубий Осетияда тинчликни сақлашга урунмоқда. Тинчликни сақлашга урунган уч рус ҳарбийси;Россия президенти Медведев бугун хавфсизлик бирлашмаси билан учрашиб, қатъий чора кўриш тўғрисида гаплашиб олишга қарор килди.
09.08.2008	Россия ҳарбий машинаси қўшни давлат томонга бурди  (Russia turns might of its war machine on rebel neighbour Georgia)	Москва Грузия босқинига жавоб қайтарди
10.08.2008	Грузия Жанубий Осетия пойтахтидан отрядларни олиб чиқди  (Georgia pulls troops out of South Ossetia capital)	-

11.08.2008	<p>Конфлект ўсиб боряпти; Россия фронтдан Грузияга хужум қиляпти (Russia attack Georgia on two fronts as conflict escalates)</p>	-
12.08.2008	<p>Саакашвилини ҳаво хужумидан химоя қилишмоқда  (President Saakashvili guards scramble to protect him front air raid risk)</p>	-
13.08.2008	<p>Кавказдаги шартли тинчлик Горидаги танклар туфайли ушлаб турилибди.  (Shaky Caucasus ceasefire holds amid claims of tanks in Gori)</p>	<p>Россия Грузиянинг қабихликларига жавоб қайтарди; Россия ўзининг қуролли кучларида уч одам халок бўлганини, 171 одам жароҳат олганини ва 19 одам бедарак йўқолганини таъкидлаяпти; Россия кучларига хужум; Грузиянинг Россияликларга уюштирган ҳаракати.</p>

Россиянинг умумжаҳон жамиятидаги ўрни анчадан буён муаммо бўлиб келмоқда. Буни экспертлар ҳам бир неча бор таъкидлаган.

Грузия – Осетия келишмовчилиги жамоатчиликнинг Россияга бўлган асл муносабатини очиб берди. Келажакда жаҳон манбалари учун кураш кучайиши муносабати билан Россиянинг совуқ урушга тортилиши эҳтимоли ошиб бормоқда. Шу билан бирга қуролли жанглар ахборот урушлари билан бир қаторда олиб борилади. Ахборот урушларининг натижаси кўп жиҳатдан қуролли уруш натижасини белгилайди. Бугунги кунда ахборот урушларининг миқёси шунчалик кенги, ҳеч қандай қуролга ўрин қолдирмаяпти.

1998 – йил октябр ойида АҚШ хавфсизлик вазирлиги “Бирлашган ахборот операциялари доктринаси” ни қабул қилди. Эътиборга олиш жоизки, унинг биринчи номи “Бирлашган ахборот уруши доктринаси” эди. Америка экспертлари таъкидлашича, ахборот уруши қуйидагилардан иборат: ҳарбий – стратегик ва информацион устунликка эришиш учун, ўзининг системасини мустаҳкамлаб, рақибниқига таъсир ўтказиш йўлида қилинган ҳаракатлар ва шу билан бирга душманнинг инфратузулмасини бузуш.

**Ахборот жанги деб, бошқарувчи ҳамда қарор қабул қилувчи тизимларга (Command Control Warfare, C2W) , шунингдек компьютер ва ахборот тармоқлари ҳамда тизимларига қарши (Computer Network Attack, CNA) қўлланадиган ҳаракатларга айтилади<sup>16</sup>.**

Шу вақтгача Россияда бу муоммога нисбатан ҳукуматнинг муносабати ноаниқ эди. Фақат 2000 йил сентябрида Россия президенти томонидан “Россияда ахборот хавфсизлиги доктринаси” қабул қилинди.

“Ахборот оқимини бошқаришда Россиянинг вазифаси шу соҳада илғор миллий мутахасисларни қўллаш, шунингдек ахборот манбаларини меъёрида ишлатиш, янги давлат сиёсатини шакллантириш даркор . Россия тез орада миллий ахборот бошқаруви ва қаршилик тизимларини шакллантиришга мухтож”<sup>17</sup>.

Яна бир фактни келтириб ўтамиз: 2010 - йилнинг 15- август куни АҚШ нинг Fox News телеканали Осетия можаросига яна мурожаат қилди. Бу дастур масофадан туриб олиб борилди ва жонли равишда эфирга узатилди. Унда асли

<sup>16</sup> Systems Integration and the New American Way of War(local copy) by Bracken, in *JFQ*, Oct 2004

<sup>17</sup> Панарин И. Н. Информационная война и геополитика/И. Н. Панарин. – М, 1999. С. 126.

грузиялик Сан-Францискода яшовчи қизалоқ Аманда Какоева ва унинг холаси Лора иштирок этди. Бошловчи ўз сўзларини қуйидагича бошлади: “ Улар Осетияда бўлган можаролар вақтида ўша ерда воқеанинг гувоҳи бўлишганди. Минглаб одамлар ҳарбийларда қочиб, ертўлаларга беркинишар ва уй-жойларини ташлаб қочишар эди. Аманда эса, ўз буваси билан ертўлада жон сақлади ва Россияга қочиб кетди. Улар уйига қайта олишмади. Биз ҳозир уларни Сан-Франсискодан тўғридан-тўғри эфирга улаймиз”.

Бошловчи- “Аманда ўша тунда уруш қачон бошланди?”

Аманда – “Мен ҳеч нарса кўрмадим ”

Бошловчи – “Россия ҳарбийлари туни билан бомбалар ташлашдимми?”

Аманда – “Биз ертўлада эдик, лекин шуни айтишин керак: биз Грузин ҳарбийларидан қочдик, руслардан эмас. Уларга раҳмат айтиб қўймоқчиман!”

Шу пайтда бошловчининг томоқ қириб қўйди. Сабаби бу қастдан Россия қарши берилаётган кўрсатув эди.

Бошловчи - “Қариндошларингиз қаерда, улар яхшими?”

Аманда- “.....”

Лора – “Мен қандай тушунтириб беришни билмайман, бу 12 ёшли қизча учун даҳшат бўлди. Бу урушни жаноб Саакашвили бошлади ва у агрессив!”

Шу вазиятда бошловчи эфирда тўхталиш қилди. Бир неча сониядан сўнг, яна бошловчи “менга ажратилган вақт тугади ва сизга 30 секунд бераман, сўнги сўзни айтинг”, - деди.

Лора – “Мен Грузин халқини айбламоқчи эмасман, мен ҳукуматни айблайман! Улар истеъфога чиқиши керак! (10 секунд ўтмасдан бошловчи 5 секунд қолганини айтади ва дастурга яқунлайди.)

Бир неча дақиқанинг ўзида ТВ маълумотлари махфийлаштирилади. Лекин бу Google, You Tube сайтларига чиқишга улгурди. Бир неча кунда бу видеони 20 минга яқин одам кириб кўришди.

## 2.2 Ўшдаги миллатлараро тўқнашувнинг ОАВда ёритилиши

Вайронагарчилик, талон-тарожлик, одамларнинг ўлдирилиши ва жинсий тажоввузлар инсон тасаввурига сиғмайдиган жоҳиллик, зўравонликларнинг содир бўлишига гоҳида таъсирнинг нечоғлик эканлигини билмайдиган ахборот хуружлари туфайли ҳам содир бўлиши мумкин. 2010 –йилнинг июн ойи Қирғизистоннинг жануби дахшат ичида қолди. Нишонга олинган гуруҳ Қирғизистон яшовчи ўзбек миллатига мансуб фуқаролар эди. Қирғинда ўлганлар расмий манбаларда 200 дан ортиқ деб кўрсатилмоқда, аммо Қирғизистон ҳукуматининг амалдаги раҳбари Роза Отинбоеванинг фикрича 2 минг одам ўлган бўлиши мумкин. Кўплаб жасадлар дафн этиб бўлинган. Ўш шаҳрининг 70 фоизи вайронага айланган. Савдо мажмуалари ва хонадонларнинг кули кўкка соврилган. БМТ ҳисобига кўра 100 минг одам чегарани бузиб, Ўзбекистонга ўтган. Қочқинлар орасида жинсий хўрланганлар хотин-қизлар кўп.

Бироқ Британиянинг **"Экономист"** хафтаномаси Қирғиз муваққат ҳукумати ҳамон мамлакатда тартибни ўрната олмаётганини ёзса, Россияда нашр этиладиган **"Российская газета"** эса киргиз расмийлари зўравонликларнинг қайталанмаслигига ишончлари комил эмаслиги қайд этилган. Марказий Осиёдаги энг кескин ва қонли миллий низодан кейин икки ҳафта ўтибдики, Ипак Йўли савдо марказининг бир қисмида кул учади, деб бошлайди ўз мақоласини **"Экономист"** хафталигининг мухбири Mr Junker. Британия нашри, июндаги бу низода аксар ўзбеклардан минглаб одамлар эса нобуд бўлди, 400 мингга яқин инсон уй-жойини ташлаб қочди. Мамлакатдаги референдумда 90 фоиз маъқуллов овозини олган, Роза Ўтинбоева яна бир ярим йил президент бўлиб қолади. Бу тинчлик учун берилган овоз деб ҳам аталмоқда. Аммо ҳали ўзбеклар хавфсизлигини таъминлай олмаётган ҳукумат жанубдаги ўзбеклар ишончини қозониши зарур. Ҳамон



минглаб ўзбеклар Ўзбекистон чегарасига яқин ҳудудларда чодирларда яшашаяпти<sup>18</sup>.

Қирғизистондаги референдумни ёритган хорижий нашрлар ушбу табдирнинг кутилганидан яхшироқ ўтганини ёзишган.

Қирғизлар таҳминига кўра, гуё зўравонликни ўзбеклар бошлашгану ва хужумларда қирғизлар ўлган. Лекин Ўшдаги вайрон бўлган уй-жойларнинг аксари ўзбекларники. Ўзбекларнинг фикрича, асл мақсад қирғиз расмийлари уларга нисбатан ижобий муносабатда эмас. Тозалаш амалларини бажариш билан ҳам таъқиб қилишда давом этмоқдалар. Ўзбек хонадонларининг ўғиллари ҳамон домдараксиз кетмоқда ва излаб-излаб жасадларини ўликхоналарда топишаяпти. Британ ҳафталигининг ёзишича, бундайин бир шароитда, фақатгина холис текширув орқали тарафларни яраштириш мумкин холос.

Бироқ чиқаётган хабарларга биноан, қирғиз армияси зўравонликда бир тарафнинг ёнини олган, ҳамон инсон ҳуқуқлари фаоллари таъқиб остида. Афғонистон гиёҳванд моддалари Европага ўтадиган бу нуқтада эса қурол-яроғ топиш муаммо эмас, деб ёзади **"Экономист"** газетаси<sup>19</sup>.

**"Российская Газета"** да Қирғизистонда ўтказилган референдумга муносабат билдирган мақола босилган. Мақола бошланишида қирғиз аскарлари тинтув қилаётган ўзбек хонадони тасвирланган. Ундаги уч-тўрт ўзбек болакай кўркув ичида онасининг этагига ёпишиб йиғлаётгани акс этган. Роза Ўтинбоеванинг фикридан **"Ўш қайта қурилади"** деган иқтибос сарлавҳага олиб чиқилганига карамай, мақолада Роза Ўтинбоеванинг ҳукумат тепасига келиши бу ҳам Қирғизистонда тичликка эришилади деган ишонч ҳеч кимда йўқ, - деб беради ушбу нашр.

<sup>18</sup> © Times Newspapers Ltd 2010 | Version 1.12.2.5 (17195)  
2010 year, 25 july ,Wednesday. <http://www.thetimes.co.uk/tto/news/>

<sup>19</sup> <http://www.economist.com/node/18342991> June 28th 2010

Муваққат ҳукумат вакиллари агар собиқ президентнинг ўғли Максим Бакиевни Британия бизга тутқазмаса, Афғонистон учун муҳим "Манас" ҳарбий базасини ёпамиз деб Вашингтон ва Лондонга таҳдид қилмоқдалар. Россия ҳам бу муваққат ҳукумат кучига ишонмайди. Россия ким билан иш қилаётгани ва янги қирғиз ҳукумати қанчалик кучли эканлигини билишни истайди. Чунки жинойтчилик Қирғизистонда сиёсатга ҳам таъсир қилаётир, деб ёзади мазкур Россия нашри<sup>20</sup>.

2005 йилги **"Лола инқилоби"**да ҳам, шу йилги апрел тўнтаришида ҳам жинорий гуруҳлар ҳукуматни ўзгартириш ишида фаол қатнашганлар, деб муваққат ҳукуматдаги манбаларга ишора этади бу нашр. Қирғизистон жанубида содир бўлган ушбу хунрезликлардан сўнг, ЎшТВда ўзбек тилидаги кўрсатувлар тўхтатилган. Ўшдан келаётган хабарлар кўрсатувларининг бир қисми ўзбек тилида ёритиладиган ва бош директори ўзбек бўлган ЎшТВ телерадиокомпаниясида ўзгаришлар юз берганига ишора қилмоқда. Баъзи манбалар ЎшТВ раҳбари Ҳалилжон Худойбердиев лавозимидан четлатилгани, ширкат ҳиссалари мажбуран бошқа шахсга сотилгани, ҳамда ўзбек тилидаги кўрсатувлар бундан буён тўхтатилишини айтишмоқда.

Қирғиз матбуоти мониторинги билан шуғулланувчи Ўшдаги марказ ходими ЎшТВни давлат тасарруфига ўтказиш ҳаракати юз бергани борасида эшитганини айтди. Телерадиоширкат раҳбари муовини этиб бугун қирғиз миллатига мансуб Комил Сиддиқов тайинланган. У биз билан суҳбатда давлат тасарруфига ўтказиш ҳаракатини рад қилди. Айтилган даъво, кунига 5 соатгача эфирга чиқилаётган бўлсада, ўзбек тилида кўрсатувлар вақтинча тўхтатилганини инкор этмайди<sup>21</sup>.

Бош директор Ҳалилжон Худойбердиев билан боғланишнинг имкони бўлмади. Ўтган жума куни Ўш прокуратураси ЎшТВда тинтув ўтказиб, уни сўроқ қилганди. Баъзи Ўшдаги манбалар тинтув ва сўроқлар, ҳамда бугунги ўзгаришлар ўртасида боғлиқлик бор дейишади. Аммо, Комил Сиддиқов давлат томонидан ҳеч

<sup>20</sup> "Российская газета" 12.07.2010 [www.rg.ru/2010/06/18/obmen-anons.html](http://www.rg.ru/2010/06/18/obmen-anons.html)

<sup>21</sup> <https://uzbekweb.net/b/http://www.bbs.co.uk/uzbek/uzbekistan>

қандай босим бўлмаганини айтди. Унга кўра, ширкат ҳиссалари қўл алмашди, холос.

Ўш ва Жалолободдаги зўравонликлар бундан 20 йил аввал айна шу ҳудудда юз берган этник тўқнашувларни ёдга солади. Этник муоммо фактори Марказий Осиёда эҳтимолий зиддият манбаларидан бири сифатида кўриб келинган. Би-бисининг Марказий Осиё бўйича мухбири Моника Витлок Қирғизистондаги этник низоларнинг тарихига назар ташлайди:

“Бу бир кунда содир булган воқеалар эмас. Бу йиллар давомида шаклланиб келган миллатчилик сиёсатидир. Бундай вазиятни давлат раҳбарлари англамаслиги одамни ажаблантиради. Жалолобод бўлган можароларда Ўзбекларга қарши нафрат учоқлари очилган эди. Агар, харитага назар солсангиз шундай жойлар борки, аканинг уйи Қирғизистон ҳудудида бўлса, уканинг уйи Ўзбекистонда. Шундай экан икки қўшнининг ўзаро жангини миллат урушига айлантириш, аёлларни хўрлаш, болаларни ўлдириш ваҳшиона сиёсатдир. Энди ўзбек халқи қандай қилиб бу хунрезликларни кечира олади. Уша Қирғизистонда яшочи ўзбеклар паспортига қирғиз фуқоролиги берилган-ку!? Ўзбекистоннинг ўзида қанча қирғиз миллатига мансуб фуқоролар яшашади. Ҳар қандай давлат ўз фуқоросини ҳимоя қилиши керак. Можоролар пайтида минглаб ўзбеклар Ўзбекистон чегарасига ўтишди. Ўзбекистон ҳар бир фуқорога қўлидан келганча ёрдам беришди. Бу жараёнларни You Tube сайтига қўйилган видеолардан кўришимиз мумкин. Урушнинг яна бир мақсади ўзбеклардан ерларини тортиб олиш ва давлат ташкилотларида фақат қирғизларни жойлаштириш эди. Бу жараённи телерадиокомпаниянинг раҳбарларини алмаштирганлиги ва ўзбек эфирларининг тўхтатилишидан англаш қийин эмас. Телерадиоширкат раҳбари муовини этиб бугун қирғиз миллатига мансуб Комил Сиддиқов тайинланган”<sup>22</sup>-деб ёзади Моника Витлок.

<sup>22</sup> <https://uzbekweb.net/b/http://www.bbs.co.uk/uzbek/uzbekistan>

“Сайловлардан сўнг Қирғизистон демократияга айланишига Ўзбекистон ишонмайди”, - деб номланган мақолада шундай иқтибос келтириб ўринли: “Ўш ва Жалолободдаги зўравонликлар тугар-тугамас парламент бошқарувига ўтган Қирғизистон ҳозирги парламент сайлови вазиятни изга туширади, аммо таҳлилларга кўра, кўшнилари, хусусан Ўзбекистон бу гапларга ишонмайди ва шундай йўл тутишга ҳақли ҳамдир. "Ўзбекистон Қирғизистондаги ўзбекларнинг камситилишини истамайди ва шу боис у ердаги сайлов ва сиёсий жараёнларни кузатиб боришга қонунан ҳақли". Юқоридаги мақола муаллифи Лондондаги Уруш ва Тинчлик муаммоларини ёритиш институти таҳлилчиси Жон Маклауддир. У мазкур муаммо юзасидан фикр билдирар экан яна шундай дейди: “Шунингдек, ҳозирги сайлов ортидан Қирғизистон тезда демократик мамлакатга айланиб қолишига ҳам ҳам расмий Тошкент ишаноламайди ва бу ерда ҳам Ўзбекистон ҳақ” - дейди таҳлилчи<sup>23</sup>. Кузатувчиларнинг фикрига кўра, кўшнилари ҳозир вазиятни изга тушуриш Қирғизистонда иш тутиш мумкин бўлган қандайдир барқарор тузум бўлишини истайдилар. Аммо Қирғизистонда бошбошдоқлик ҳукмрон, халқ миллатига қараб бўлиниб кетган ва у ердаги қарийб бир миллионга яқин ўзбеклар ҳамон кўркувда, камситиш ва таҳқирларга чидаб яшашаётгани ҳақида айтишади. Шундай ҳолатда балки Қирғизистонда ҳам кўшни Ўзбекистондаги каби кучли ва марказлашган бошқарув керак эмасмикин, қабилидаги саволлар янграмоқда. Бироқ ўтмишда авторитар бошқарувни ўрнатишга уринган собиқ президентлар - Асқар Акаев ва Қурманбек Бакиев ҳам буни урдасидан чиқа олишмади. Таҳлилчиларнинг фикрларига кўра, аҳвол шу даражага етганки, аҳолининг аксарият қисми барқарорликни таъминлайдиган ҳар қанақа тузумга рози. Бироқ агар Қирғизистонда йўлга қўйилаётган парламент бошқаруви ҳам иш бермай, заиф бўлиб қолаверса, у ҳолда юзага келадиган сиёсий бўшлиқни тўлдиришда ташқи кучлар иштирок этишлари ҳақида ҳам масалалар ўртага ташланди. Аммо таҳлилчиларнинг фикрига кўра, Бишкекнинг яқин дўстлари - Россия ва Қозоғистон ҳам охириги инқироз пайти бу мамлакатдаги ғавғога аралашмадилар.

<sup>23</sup> <https://uzbekweb.net/b/http://www.bbs.co.uk/uzbek>

Ҳатто муваққат ҳукумат раҳбари Роза Отинбоеванинг Россиядан ёрдам сўраб қилган мурожаатларини ҳам расмий Москва рад этди.

"Минтақадаги яна бир мамлакат - Ўзбекистон эса қўшни Қирғизистонда ўзбеклар истиқомат қилишлари туфайли ҳам бефарқ эмас" - дейди Жон Маклауд. Аммо негадир жанубий Қирғизистондаги низо чоғида Ўзбекистон ҳудудга ўз қўшинларини киритмади. Бўлмаса, кўпчилик "мана энди Ўзбекистон Қирғизистонга қўшин киритади", деб ўйлаганди. Бироқ бундай бўлмади. "Лекин агар яна шундай миллий низо юзага келса, Ўзбекистон ҳукумати жим қараб туролмайди ва Қирғизистондаги воқеаларга аралашиси мумкин" - деб ёзади Лондондаги таҳлилчи. Бу эса, Қирғизистонни давлат сифатида янада заифлаштиради, холос. Ўзларининг нафақат оддий одамлар, балки милиция ва расмийлар тарафидан ҳам ҳамон камситилиб, таҳқиромўз муносабатга лойиқ кўрилаётганини айтаётган Қирғизистон ўзбеклари эса ўз ҳимоялари учун халқаро ҳамжамият ва ё қўшни мамлакатлар бефарқ бўлмаслигини талаб қилишса-да, ҳозиргача бу борада йирик қадамлар қўйилмади. Оврўпода Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти полиция маслаҳат гуруҳини мамлакат жанубига жойлаштириш масаласи эса қирғиз миллатчилари қаршилиги боис ҳамон орқага сурилмоқда. Шундай шароитда минтақада яна бош кўтараётган исломий жангарилар бу бўшлиқни тўлдиришлари ҳақида ҳам фаразлар ўртага чиқаётир. Фарғона водийсида исломий давлат ташкил этиш ниятидаги Ўзбекистон Исломий ҳаракати каби гуруҳлар ҳозир Афғонистондан Тожикистон ҳудудларига кириб, жанг қилишаётгани ҳақида аллақачон айтилмоқда.

Франциянинг етакчи нашрларидан ҳисобланган **“Ле Монде”** газетаси ҳам бу масалада ўз муносабатини билдириб борди.

“Ле Монде” Қирғизистонда этник тўқнашувлар эмас, балки сиёсий чакмоқлар содир этилганини ёзади

Ушбу нуфузли француз наشري минтақа давлатлари ва жаҳон ҳамжамиятини Қирғизистонда содир этилаётган жиноятларни кўриб, жим турганликда айблайди. "Қирғизистон хунрезликлар марказига айланди: Бакиевнинг ағдалиши ва муваққат ҳукуматнинг қўл қовуштириб туриши бошбошдоқликка юз тутган мамлакат жанубидаги этник тозалашларга олиб келди", деб ёзади "Ле Монде"<sup>24</sup>. Франциянинг Марказий Осиё тадқиқотлари институти директори Байрам Болчи ва шу институт тадқиқодчиси Пьер Шувеннинг таъкидлашича, сўз "миллатлараро тўқнашувлар ҳақида эмас, балки айнан сиёсий чакмоқлар ҳақида бормоқда". Мақола муаллифларининг фикрига кўра, улар "фақат сиёсий ҳокимиятдагилар ва маҳаллий ҳарбийларнинг кўмагида содир бўлиши мумкин".

"Аввал-бошданок улар махсус уюштирилган жараёнларда иштирок этганликлари тўғрисида гувоҳлар олган видеотасвирлардан ҳам билиш мумкин: гўёки танклар миллатчи қасос олиш ёки талончилик мақсадида қўшни қишлоқдан келган"адашган" хужумчиларга йўл очиб бермоқда. Зўравонликлар олдиндан режаланган, этник омил уларнинг мутлақо кутилмаган бир шаклда ёйилиши учун бир сабаб бўлди, холос. Ўзаро муаммоларга қарамай, икки жамоа бу минтақада ҳамма вақт бирга яшаб келишган"<sup>25</sup>, - деб ёзади "Ле Монде".

Демократияга ўтишнинг намунавий мисоли қилиб кўрсатиладиган ва шунинг учун мўмай халқаро ёрдам олиб келаётган бу мамлакатда Қирғизистон - фақат "этник қирғизларнинг ватани" деган кўнгилни айнитувчи ва тарихга зид гоё тобора кенг ёйилмоқда.

"Ле Монде" нашрининг қайд этишича, гарчи тартибсизликлар ташаббуси ағдарилган президент Бакиев тарафдорларидан чиққан бўлса ҳам, марказий ҳукуматнинг кучсизлигидан фойдаланганлар маҳаллий миқёсда эстафетани дарҳол қўлга олишган. Роза Ўтинбоевнинг вақтли ҳукумати Ўш ва Жалолободдаги ўзбекларнинг ўлдирилишини ҳам тўхтата олгани йўқ, тартиб ҳам ўрната олмади. "Бутун инқироз давомида Роза Отинбоева эҳтиёткор мавқени эгаллади. 19 июн

<sup>24</sup> LEMONDE.FR avec AFP et Reuters | 26.05.10 | 07h22 • Mis à jour le 26.05.10 | 21h25

<sup>25</sup> LE MONDE • Mis à jour le 08.06.10 | 21h25 <http://www.bbs.co.uk/uzbek/uzbekistan>

куни биринчи марта Ўшга ташриф буюраркан, Отинбоева ўзбек маҳаллаларига киришдан қочди ва бирон марта ҳам ўзбекларнинг изтиробларини тилга олгани йўқ. Қирғиз миллатчи зеҳнияти гаровида қолган Отинбоевани миллатлараро бирдамликка чақириши қийин", - дея таъкидлайди “Ле Монде”.

Мақола муаллифлари Michel Joice ва Daniel Gerard ларнинг фикрига кўра, Бишкекдаги тарғиботчи оммавий ахборот воситалари шурулар давридаги энг илғор анъаналар, яъни маълумотларни сохталаштириш билан банд."Ёқиб юборилган ўзбек уйлари қирғизларники қилиб кўрсатилади ва ҳеч ким раддия бермайди. Қирғиз махсус хизматлари исломий гуруҳлар ўзбек жамоаси раҳбарлари билан ҳамкорликда амалга оширган қотилликлар сценарийсини ишлаб чиқишган. Бу бўрттирилган сценарий, аммо у ўз изини қолдириши мумкин".

Яна “Ле Монде” да ёзилишича, Ўш ҳокимияти ушбу "ислом-ўзбек" назариясини тасдиқлаш учун ноқонуний ҳибсга олишлар, кўрқитиш ва хатто ўзбекларни кетишга мажбурлаш учун қийноқларни авж олдирган.

“Ле Монде” газетаси, бу жинойтларнинг қасддан содир этилганига оид далиллар тобора кўпайиб бораётганига қарамай, минтақавий давлатлар ва жаҳон ҳамжамияти билиб туриб, сукут сақламоқда."На Россия ва на АҚШ-Бишкек яқинида авиабазаларни ижарага олган фахрий меҳмонлар, Қирғизистон ҳукуматидан қотилликларни тўхтатишни талаб қилганлари йўқ. Аралашмаслик тамойили ортига яширинган Россия эса, Отинбоеванинг воситачи кучларни киритиш ҳақидаги илтимосларини эшитмасликка олди". Мақола сўнггида муаллифлар Оврўпо Иттифоқи кўпроқ қон тўкилишининг олдини олиш учун ўзининг Марказий Осиё сиёсати борасида бир тўхтама келиши кераклиги ва таҳдид остида қолган демократия жараёнини ҳимоя қилиши лозимлигини таъкидлашган.

Юқорида кўриб чиққан ҳар иккала можароли вазиятнинг қай тарзда етказиб берилишига қараб, турли кўринишларда қабул қилиш мумкинлигини кўриб чиқдик.

Ўшдаги можароли вазиятда жаҳон ОАВ томонидан Ўзбекистонга қарши деярли ахборот хуружи уюштирилмади. Сабаби, қирғинда ўзбек аҳоли жабр кўрган бўлса-да, бу вазиятни Ўзбекистон ҳукумати ўта босиқлик ва ақл билан ҳал эта олди. Фергана.ру сайтида “Нега Ўзбекистон жим”, “Улар қирғинни кузатишмоқда”, “Каримов ҳеч қандай жавоб бермаяпти” кабилидаги мақолаларга дуч келишимиз мумкин. Мақолалар билан танишиб чиқар экансиз, фақат онга психологик таъсир қилувчи ва қасос ўтини оловлантириш мақсадида ёзилган сўзларга дуч келамиз. Биз уларнинг бу чорловларисиз ҳам, Ўшдаги вазиятдан хабардор бўлиб турибмиз-ку?! Дунёнинг кўплаб обрўли ОАВ вазиятни тўғри баҳолашмоқда. Сабаби 10 минглаб аҳолини Ўзбекистон ўз бағига олди. Буларни исботловчи далиллар интернет сайтларига ҳам жойлаштирилган<sup>26</sup>.

Бугунги технологик ахборотлар даврида ахборотнинг кириб келишига тўсқинлик қилиш ва умуман ахборотсиз яшаш мумкин эмас. Биз бир кунда минглаб ахборот қабул қиламиз. Бир ахборотни турли кўринишда ҳам қабул қилишимиз мумкин. Лекин барибир биринчи олган ахборотда қолиш, инсоннинг биологик имкониятидир. Шунинг учун миллий журналистларимизга бундай вазиятларда жойнинг ўзидан, вазиятга баҳо беришига имкон яратиб беришимиз керак. Шундагина ўзгаларнинг нотўғри ахборотига алданиб қолмаймиз.

## Хулоса

Одамзот қадим-қадимдан идеал жамият куришни орзу қилади. Уларга ўзича "янги дунё", "адолат олами" деб ном ҳам қўяди. Ахборий жамият концепция кўринишига келгунга қадар Ж.Лихтаймнинг "постбуржуазия"си, Р.Дарендорфнинг "посткапитализми", К.Боулдингнинг "постцивилизациялашган жамият"и, Г.Каннинг "постиктисодий жамият"и ва Р.Барнетнинг "постнефт"га оид

<sup>26</sup> <http://www.youtube.com/watch?v=SsszDIu8dak>



қарашлари бирор аҳамиятга эгадек эди гўё. Ахборий жамият уларнинг мантикий давоми сифатида ўрганилса, "пост"ларнинг энг сўнггиси, яъни Ф.Фукуяма ибораси билан айтганда "тарих интиҳоси"дир. Бинобарин, ахборий жамиятдан сўнг қандай жамият келишини Фукуямагина эмас, шу соҳада бош қотирган файласуфлар ҳам билмайди...

Ўтган аср иқтисоди, сиёсати ва бошқа ижтимоий жараёнларида билимнинг, идрок қилиш (интуиция) нинг роли беқиёс бўлган эса, эндиликда унинг ўрнини янги фаолият тури - телекоммуникациялар эгаллайди. Аниқроқ қилиб айтганда, "марказий пулт"ни компьютер ва оммавий ахборот воситалари бошқаради.

Давлатлараро ихтилофлар айнан ахборий хуружлар асносида юз бериб, ахборий курашлар қаршилигида давом этади. Қисқа қилиб айтганда, мамлакатлар глобал ахборий маконда ахборотга эгалик қилиш учун курашади. Аммо бундай тараққий этган даврда ахборотга муттасил эгалик қилишнинг имкони йўқ ҳисоби. Шундай экан, мабодо қайсидир томон бунинг уддасидан чиқолса, шубҳасиз, у дунё тизгинини ҳар жиҳатдан ўз қўлига олади. Чунки йигирма биринчи асрда инсониятни ахборот бошқаради.

Биз мислсиз ўзгаришлар даврида яшайпмиз. Замоннинг тезлашишини ахборот жамияти таъминлайди. Бундай жамиятда қарор қабул қилиш учун маълумотлар кўплиги, ёки аксинча етишмовчилиги кузатилади. Бундай ҳолат одамни мустақил фикрлаш қобилиятидан махрум қилиб, уни номаълум шахслар ёллаган экспертлар, агентларнинг қулига айлантиради. Ўз навбатида ахборот операциялари урушлари орқали авваллари кўз кўрмаган бойликка эгалик қилиш имконияти туғилади<sup>27</sup>. Бутун жамоатчилик қабул қилган анъанавий билимлар шу жамият аъзоларини ахборот урушни бошқариш учун керак бўладиган билимлар билан таъминлай олмайди. Бу билимларни ўзлаштирилганлар эса, капитал ва ҳокимиятга эришиб, ташқаридан қараганда мўъжизавий кўринадиган – ҳар қандай ҳодисадан ўз фойдаси йўлида фойдаланиш хусусиятига эга шахслардек кўринади.

<sup>27</sup> Панарин И. Ук. Соч. – с.390.

Ахборот устунлиги бу – вазият тўғрисидаги маълумот оқимини қайта ишлаб, тарқатиш ва рақибга худди шундай йўл тутушга бермасликдир. Ахборот уруши бу бошқарув ва қарор қабул қилиш тизимлари, шунингдек компьютер ва ахборот тармоқларига ва тизимларига қарши бўладиган ҳаракатлар ва амаллар мажмуидир. Ахборот урушининг умумий мазмуни – қўлланилаётган воситалар қандайлигидан қатъий назар, ўзининг инфомацион тизимларини ҳимоя қилишдир.

Бундай вазиятни халқаро муносабатларда бўлиб турадиган кўплаб келишмовчиликларда кузатса бўлади. Мисол учун, Ироқдаги ахборот уруши ғарб ОАВ мағлубияти билан якунланди. Бутун дунё қон тўкиш сиёсатидан воз кечди. С.Ҳусайнга уюштирилган омадли ахборот хужумларидан сўнг, келишмовчиликлар даври бошланди. 2008 йил эса, Борақ Обама ўзига қарата отилган сайловолди танқидга қарши Бушнинг Ироқдаги сиёсатини пеш қилди. Араб ОАВ аллақачон инсон ҳуқуқларининг бузулиши ва америкаликларнинг ёлғон демократиясини кўтариб чиқишган. Бу ҳаракатларни бошида эса, “Ал-Жазира” телеканали турди. Жуда катта ролни албатта, ОАВ хусусан, ТВ ва интернет ўйнади. ТВ унга йўл топганларнинг қўлида қудратли ва даҳшатли кучга айланди. У тезкор, визуал, оммавий, у орқали кўпчиликнинг тақдирини хал қилса бўлади ва ҳеч ким ўз кўзи билан кўрган нарсасига ишонмаслиги мимкин эмас<sup>28</sup>.

Демак, ушбу ахборот уруши феноменини кўриб чиқилди. Биз тушунчанинг келиб чиқиши, “ахборот хужумлари” механизмини ва бугунги кунда ахборот урушида қўлланиладиган турли воситаларни мисол келтирдик.

Шунча маълумот ва фактлардан қандай қилиб ва қайси маълумотларга ишонишни ҳам билмай қоласан киши. Ҳар қандай миллат ёки давлар ҳеч қачон ўз юртига ёки миллатига қарши ишламаслигини ҳисобга олган ҳолда, биз аниқ ва ишончли далилларга таянишимиз керак. Бунинг учун эса, юртимизда ёки хорижда содир бўлаётган воқеаларни ёритишда халқаро журналистларимизга имконият беришимиз керак. Тезкорликни ошириш талаб этилади. Нотўғри маълумотни қабул қилмаслиги учун иммунитет шакллантирмоғимиз лозим. Замонавий

<sup>28</sup> Толстобров А. В. Информационная война США и Великобритании в ходе военной операции против Ирака/<http://www.iimes.ru/rus/stat/2004/14-11-04.htm>

жамиятда технология кундан-кунга ва соат сайин ривожланиб бормоқда. Бу ривож ёмонликка ҳам ишламоқда, сабаби умуман йўқ бўлган маълумотларни яратишга (расм, видео, ёзувли хабарлар, мухр..) имкон туғдирмоқда. Бу жангнинг энг хавфли томони урушдаги қуроолларнинг ҳам яхшиликка, ҳам ёмонликка ишлашидир. Агар бу қуроолларни чегаралаб қўйилса, замон эволюциядан яъни ривожланишдан тўхтайдди. Агар, чегараламаса ёмон мақсадларда ҳам ишлатилишини гувоҳи бўлмоқдамиз. Ахборот урушининг дахшатли кўриши бу – урушни очилганини сезмайсиз. У худди секин таъсир қилувчи захардек, онгни, давлатни, жамиятни емира боради. Бундай захарланишга тушмаслик учун онгга психологик таъсир кўрсатиш қай холда ва қаерда намоён бўлишини тадқиқод ишимизда таҳлил қилишга уриндик. Шу боис, биринчи олган маълумот ҳар қачон тўғри бўлишига ишониш унчалик мақсадга муофиқ эмас.

“Ишончим комилки, бизни – ҳозир Ўзбекистонда истиқомат қилувчиларнинг кўпчилигини тирикчилик ташвишлари – чин воқелик муаммолари билан бирга: “Бу ёруғ оламда биз киммиз ва не бир сир-синоатмиз, қаёққа қараб кетяпмиз? Инсоният янги аср – XXI асрга қадам қўйганида бизнинг ўрнимиз қайерда ва қандай бўлади?” – деган саволлар ўйлантириши табиий...”<sup>29</sup>.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асари муқаддимаси мана шундай жумлалар билан бошланади ва “Юксак маънавит – енгилмас куч” номли асарида бу саволларга мантиқий боғлиқ бўлган қуйидаги жавоб айтилади: “Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўралса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугун тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим...”<sup>30</sup>.

<sup>29</sup> И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт” Т.: Ўзбекистон, 1997. 78 – бет.

<sup>30</sup> Каримов И.А. Юксак маънавит – енгилмас куч, Маънавият, 2008, 135-бет

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, кўпорувчилик ҳаракатларининг реал хавф ва асоратларини англаш мумкин, аммо маънавиятни бузишга қаратилган урушларнинг хатарини қай даражадалигини тушуниб етиш, билиш қийин. Миллий ўзлик, кадриятлар, шунга яраша тафаккур қилишнинг бузилишида турли тадқиқотлар, ОАВ ва реклама агентликлари катта рол ўйнаши билан бир қаторда, аксинча, мазкур хавфнинг олдини олиш ёки тўғрилашда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Онгни бўйсундириш, ақлни бузиш, ахборот урушлари ҳақида фикр билдириш кимлар учундир баландпарвозлик, жимжимадор гаплар бўлиб туюлар. Муносабатларнинг турли эканини табиий қабул қилиш лозим. Шуни ҳам унутмаслик керакки, ахборот асрида амалга оширилиши одат тусига кириб бораётган турли айёрликларни ўз вақтида англаб, уни мафкуравий иммунитет чиғириғидан ўтказган ҳар бир одам маънавий компасини қаерга йўналтирса, мақсадга мувофиқ бўлишини чуқурроқ тушуниб етади.

Ахборот хавфсизлиги қондасига жиддий амал қилиш мамлакатимизнинг иқтисодий, ҳарбий ва илмий-техник сиёсатида асосий талаблардан бири бўлиб қолиши керак. Бу қондаларни аниқ тизимлаштириш ва аниқлаштириш керак. Умуман олганда, эса «ахборот кодекси» керак, у аниқ тушунчалардан иборат бўлиши лозим: давлат ахборот сиёсати ўз ахборот технологияларини ривожлантиришга қаратилган, ўз бозорини ИНФОР яширин элементлари кириб келишидан сақлайдиган ҳимоя воситалари бўлиши керак. Кодексни бузиш оғир жиноят ҳисобланиши керак. Кодекс ахборот воситаларни оммавий импорт қилиш ва улардан фақатгина хусусий секторда эмас, балки давлат ташкилотларида ҳам кенг фойдаланилиши сабабли муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шу билан бирга импорт ахборот тизимларидан фойдаланувчилар уларнинг бузилмай ишлашлари ва ишончилигига асосий эътиборни қаратишларини ҳисобга олиш керак, бу тизимларда яна нималар борлиги уларни ҳеч қизиқтирмайди. Мана шунинг учун ахборот тизимларни харид қилаётганда техник назорат зарур, махсус методика бойича назорат керак бўлади, уни ишлаб чиқишни махсус илмий текшириш институтларига топширилиши керак.

## **Фойданилган адабиётлар рўйхати**

1. И.А.Каримов “Юксак маънавит – енгилмас куч” Т.: "Маънавият", . 2008

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари -Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Брусницин Н.А. Информационная война и безопасность/Н.А. Брусницин. - М.: Вита-Пресс, 2001.
5. Завадский И.И. «Информационная война - что это такое?//Защита информации. «Конфидент». № 4, 1996.
6. Padover S.K. Psychological warfare and foreign policy//The theory and practice of international relations. Englewood Cliffs, 1960. - P. 238.  
<http://lib.aldebaran.ru>.
7. Панарин И.Н. Технология информационной войны/И. Н. Панарин. - М.: КСП+, 2003. - 320 с.
8. <http://www.politic.donetsk.ua/terror/terror016.shtml>
9. <http://www.iimes.ru/rus/stat/2004/14-11-04.htm>
10. Шафрански Р. Теория информационного оружия.  
[http://msnhomepages.talkcity.com/ReportersAlley/fatekhvergasov/\\_private/Inform\\_War.htm](http://msnhomepages.talkcity.com/ReportersAlley/fatekhvergasov/_private/Inform_War.htm)
11. Шевяков Т., Жаров М. Хроники информационной войны  
<http://lib.aldebaran.ru>.
12. В.В. Андрианов. Технология защиты в принципах организации информационных систем. //Защита информации. "Конфидент". № 3 (в печати) 1998 г.
13. Е. П. Блаватская. Тайная доктрина. Том 3, книга 5. -М.: "Сиринь" 1993.
14. Нейл Грант. Конфликты XX века. - М.: "Физкультура и спорт". 1995.
15. Б. Грасиан. Критикон. -М.: Наука. 1984 г.
16. М. Делаграмматик. Последний солдат суперимперии, или кому нужна кибервойна" // "Литературная Россия" от 26.04.96, № 17 (1733).
17. Ф.М. Достоевский. "Бесы". Полное собрание сочинений. Т.8-9. - М.: "Правда", 1982.

18. И.И. Завадский. "Информационная война - что это такое? // Защита информации. "Конфидент". № 4, 1996 г.
19. А. Казаков. Выстрел из компьютера. // Люберецкая газета от 5.02.1997.
20. Э. Каструбин. Ключ к тайнам мозга. -М.: ТРИАДА. 1995.
21. М.Б.Кордонский, В.И.Ланцберг. Технология группы. Заметки из области социальной психологии неформальных групп. - Одесса- Туапсе. Интернет. 1994.
22. П. А. Кузнецов. Информационная война и бизнес. // Защита информации. "Конфидент". № 4, 1996 г.
23. А.С.Овчинский. Информационно-психологическая сфера противодействия организованной преступности. // Информационное общество. 1. 1997г. С.: 41-46.
24. С.П. Расторгуев. Программные методы защиты информации в компьютерах и сетях. - М.: "Агентства Яхтсмен". 1993.
25. С.П. Расторгуев. Инфицирование как способ защиты жизни. - М.: "Агентства Яхтсмен". 1996.
26. С.П.Расторгуев. Информационная война как целенаправленное информационное воздействие информационных систем. // "Информационное общество". № 1, 1997.
27. Г.Смолян, В.Цыгичко, Д.Черешкин. Новости информационной войны // Защита информации. "Конфидент". № 6, 1996 г.
28. Толстобров А. В. Информационная война США и Великобритании в ходе военной операции против Ирака//<http://www.iimes.ru/rus/stat/2004/14-11-04.htm>
29. <http://www.youtube.com/watch?v=Sssz DIu8dak>
30. Systems Integration and the New American Way of War (local copy) by Bracken, in *JFQ*, Oct 2004